Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 227 (8217). ● 30 ноябрь, 1983 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

БУТУН КУЧ—ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШГА ҚАРАТИЛСИН

САМАРҚАНД, 29 ноябрь. Бугун бўлиб ўтган область партия-хўжалик активининг йиғилиши Самарқанд область коммунистлари, барча меҳнаткашларининг бу йилги планларни муваффақиятли тугаллаш, пахта тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш соҳасидаги вазифаларни муҳокама этди. Область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев доклад қилди.

Областда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмаларини турмушга татбиқ этиш соҳасида муайян иш қилинганини йиғилиш қатнашчилари айтиб ўтишди. План ва давлат интизоми мустаҳкамланмоқда, саноатда ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва маҳсулотнинг сифати ошмоқда. Область экономикасини ривожлантиришга қурувчилар ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Товар обороти ҳажми ошмоқда, аҳолига маиший хизмат яхшиланмоқда. Областнинг ҳамма районлари давлатга дон сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Боғдорлар, сабзавотчилар, соҳибкорлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган шу йилги планлари ва беш йилликнинг уч йили планини муддатидан илгари уддаладилар.

Шу билан бирга йиғилиш қатнашчилари областда ҳамма резервлар ҳам ҳали ишга туширилмаганини қайд этдилар. Капитал қурилишда маблағларнинг кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилишига йўл қўйилмоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари республика ўртача кўрсаткичидан орқада қолмоқда. Бир қанча корхоналарда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун етарли равишда зўр ғайрат билан кураш олиб борилмаяпти, шунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмаяпти.

Барча партия, совет, хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг диққат-эътиборини пахта теримини муваффақиятли тугаллашга қаратиш — шу куннинг бош вазифаси эканини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Пастдарғом, Большевик, Иштихон районларининг деҳқонлари ҳосил теримини уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Улар техникадан, меҳнат ресурсларидан энг оқилона фойдаланишга, пахта тайёрлаш суръатларини ошириш ва нобудгарчиликнинг олдини олиш учун маънавий ҳамда моддий омилларни моҳирона бирга қўшиб олиб боришга бутун куч-ғайратни сарфламоқдалар. Областнинг барча пахтакорлари илғор хўжаликларнинг тажрибасини қурол қилиб олишлари керак. Областда пахта тайёрлаш давлат планини бажарибгина қолмай, давлатга планидан ташқари камида 20 минг тонна «оқ олтин» бериш учун ҳам барча имкониятлар бор. Вазифа даладаги куч-ғайратни оширишдан, қисқа муддатларда жами ҳосилни сўнгги чаноғигача териб олишдан иборат. Ҳозир қуритиш-тозалаш цехлари айниқса пухта ишлаши керак. Қийин шароитларда далада меҳнат қилаётган ҳар бир киши ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, иссиқ овқатни пухта йўлга қўйиш, социалистик мусобақанинг кенг ошкоралигини таъминлаш керак.

Самарқанд областининг коммунистлари, барча меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Европада Америка ракеталарини жойлаштиришга киришилганлиги муносабати билан берган Баёнотини якдиллик билан маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар, дейишди йиғилиш қатнашчилари. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар империалистларнинг кирдикорларига зардоб меҳнат билан, интизомни мустаҳкамлаш билан, ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратни сарфлаш билан жавоб берадилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

1983 ЙИЛГА—ЗАРБДОР ЯКУН

ЎН БИРИНЧИ беш йиллик учинчи—марказий йилининг сўнгги ойи бошланмоқда. Айни пайтда 1983 йилни ҳамма соҳалар бўйича зарбдорларча якунлаш тараддуди тобора кучаймоқда. Шу боисдан областимиздаги барча меҳнат коллективлари зўр кўтаринки руҳ билан, юксак снёсий активлик вазнятида умумхалқ социалистик мусобақасини янада авж олдирмоқдалар. Йиллик ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари адо этиш, социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш ҳамма ерда асосий меҳнат шиорига айланмоқда.

Куни кеча областимиз саноатчилари ўн бир ойлик планни бир неча кун аввал адо этганликлари ҳақида рапорт бердилар. Маҳсулот реализацияси ва унинг кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар барвақт уддаланди. Эндиги асосий вазифа—барча куч ва имкониятларни 1983 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини ҳамда умуман беш йиллик режаларни тўлиқ бажаришга сафарбар этишдан иборатдир.

Областимиз саноатчилари йилимизнинг ўтган даври мобайнида ўн бир ойлик программадан ташқари ўнларча корхоналарда ишлаб чиқаришнинг янги қувватларини ишга туширилди, юзларча минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар фойдаланиш учун топширилди. Мактаблар, шифохоналар, болалар муассасалари қуриш ва ишга тушириш суръати ҳам ошмоқда.

Пойтахт областимиз пахтакорларининг бу йилги қийин шароитлардаги меҳнатлари, айниқса, юксак таҳсинга сазовордир. Улар шу кеча-кундузда оширилган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажариш учун мардонавор тер тўкмоқдалар. Ҳозиргача она-Ватан хазинасига етказиб берилган 440 минг тоннага яқин «оқ олтин»имиз республикамизнинг 6 миллион тонналик хирмонига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлади. Далаларда пахта терими давом этмоқда. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида эришган ютуқларимиз ҳам салмоқли бўлганлигини эътироф этмоқ керак.

Ҳозирги кунларда областимиздаги район ва шаҳарларда партия конференциялари ўтказилмоқда. Уларда КПСС XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларини ва кўрсатмаларидан келиб чиқадиган қонда ва хулосаларни амалга оширишнинг йўл-йўриқлари, социал-иқтисодий ва хўжалик ўсишининг тадрижий ва мутаносиб йўналишлари муҳокама этилмоқда. Зотан, умуман беш йиллик планларини муваффақиятли амалга ошириш, озиқ-овқат, энергетика программаларини тўлиқ адо этиш, областимизни социал жиҳатдан ривожлантириш, меҳнат аҳли фаровонлиги ва маънавий маданиятини ошириш пировард натижада ойлик, йиллик иқтисодий курсаткичларга боғлиқдир.

Иқтисодий ривожланиш резервларини излаб топиш ва улардан тўлиқ фойдаланиш, оқсаётган бўғинларни илғорлар қаторига етиштириб олиш, кишиларнинг ижодий изланишларини иш самарадорлигини оширишга йўналтириш, барча куч ва имкониятларни социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига қаратиш — декабрь ойидаги асосий вазифадир. Оққўрғон, Бўка, Ғалаба, Коммунистик, Пискент, Чиноз сингари районлар саноатчилари ўн бир ойлик топшириқларини адо этишда бироз қолоқликка йўл қўйётган эканлар, бу камчиликларни дарҳол тугатишга эришмоқлари лозим.

Олиб борилаётган катта ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг жанговарлигини тобора оширмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришдаги сон ва сифат кўрсаткичларига уларнинг таъсирини кучайтириш ижобий натижаларга олиб келиши тажрибада исботланган.

Социалистик мажбуриятларни адо этишда фақат цех, участка, ферма, бригада, звенолар коллективлари билангина эмас, ҳатто ҳар бир меҳнат киши билан ижодий, дилкаш мулоқотда бўлиш яхши самаралар келтиришини унутмайлик. Уларнинг бутун куч-ғайратини, ақл-заковатини юксак якунларга қаратмоқ, айниқса, муҳимдир. Кўпчиликка таянган ҳолда қолоқларга нисбатан қаттиққўл ва талабчан бўлмоқ лозим. Бунинг учун меҳнат жараёнининг ҳар бир босқичида уюшқоқлик ва ишчанликни, интизом ва тартиботни ғоят даражада мустаҳкамлаш керак оулади.

Ошкоралик, натижаларни таққослаш, ғолибларни ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириш, илғорлар тажрибасидан ҳамиша баҳраманд бўлиш, фан-техника ютуқларини жадал жорий этиш — социалистик мусобақанинг илмий, синовдан ўтган ленинча принципларидир. Бундай иш услубларига амал қилинган ерда, шубҳасиз, планлар ошириб бажарилади, мажбуриятлар тўлиқ адо этилади.

Ҳар бир коммунист, муштарак ишимиз учун жон куйдираётган ҳар бир киши партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган марраларни сўзсиз эгаллашга интилиши, жамият, давлат, халқ манфаатларини ҳар доим биринчи ўринга қўйиши керак. Ватанимиз куч-қудратини тобора ошириш, халқимиз фаровонлигини йил сайин яхшилаб бориш шундай қилишни тақозо этади.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган ҳар бир ходим умумий ишдаги ўз ўрнини ва жамоат ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига шахсан даҳлдор эканлигини тўғри белгилаб олиши лозим. Бутун ташкилий ва снёсий ишларимизнинг моҳияти шундан иборат бўлмоғи керакки, кишиларнинг меҳнат ва снёсий активлиги янада ошсин, ҳар ойни, ҳар йилни зарбдорларча якунлаш улар ҳаётида анъанага айлансин.

Жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз ўн биринчи беш йиллик ва умуман саксонинчи йиллар учун мўлжаллаб ўртага қўйган иқтисодий-социал вазифалар коммунистик жамият қураётган совет халқининг туб, ҳаётий манфаатларини яққол акс эттиради. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур снёсат омманинг ижодкорлиги, ташаббускорлиги, социалистик мусобақадаги ғайрат-шижоати билан қўшилиб, жамиятимизнинг меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлидан, коммунизмнинг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш йўлидан муттасил олға қараб боришини таъминлайди. Шу боисдан ҳам 1983 йил социалистик мажбуриятларини ҳамма соҳада тўла-тўкис адо этиш ҳар бир меҳнат коллективининг муқаддас бурчидир.

1983 ЙИЛНИ ЗАРБДОРЛАРЧА ЯКУНЛАЙЛИК!

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи йил бошидан буён пландан ташқари миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу рақам Тошкент тикувчилари йил бошида қабул қилган дастлабки мажбуриятда кўрсатилганидан икки баравар кўпдир.

Талабларни ўрганиб чиқиш юксак маром билан ишлашга ёрдам берди. Бу ерда йил бошидан буён йигирмадан кўп янги модель ўзлаштирилди. Булар орасида чарм ва чийдухобадан тикилган пиджаклар, спорт куртkалари бор.

Меҳнатнинг бригада формасини ўзлаштириш энг муҳим омил бўлди. Тикувчилар республика енгил саноат корхоналари орасида биринчи бўлиб ташкилий янгиликни жорий этдилар. Бу эса меҳнатнинг юксак пировард натижаларидан ишчилар манфаатдорлигини оширди.

(ЎзТАГ мухбири).

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

БАЛЛИ СИЗГА, ЛАБЗИ ҲАЛОЛЛАР

ОҚҚЎРҒОН. С. Сегизбоев номли совхознинг Бўтабек Серикбоев раҳбарлик қилаётган 4-бўлими ишчилари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини биринчилар қаторида бажарган эдилар. Шундан сўнг улар ҳосилдорликни пландаги 33 центнер ўрнига 37 центнерга етказиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилишганди. Бу марра ҳам белгиланган муддатдан анча илгари эгалланди.

Бугунги кунга келиб пешқадам бўлим коллективи ҳосилдорликни 40 центнергача етказиб, оширилган социалистик мажбуриятини ҳам ёруғ юз билан адо этди. 558 гектар майдондан жами 2232 тонна хом ашё йиғиштириб олинди. Ана шу ҳосилнинг 1716 тоннаси машиналар бункеридан тўкилди. Бунда шу кунгача 160—170 тоннадан пахта теришга эришган Козим Умеров, Уват Одилбеков сингари тажрибали механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Ҳосилдорликни ошириш ва хом ашё сифатини яхшилаш учун олиб борилган курашда пешқадамлик қилган Суннат Хўжанов ва Гелўғлон Турсуновлар бошлиқ бригада коллективлари ҳар гектар майдондан 44—45 центнердан хирмон кўтариш билан бирга ҳосилнинг асосий қисмини юқори сортларга топширдилар. Уларнинг ғайратшижоатлари туфайли бўлимда 1815 тонна пахта биринчи сортларга қабул қилинди.

Шу райондаги «Озод» колхозининг район Совети депутати Роҳила Турсунқулова бошлиқ бригадаси ҳам социалистик мажбуриятини ошириб бажарди. 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 30,5 центнер ўрнига 38 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Қабул пунктига топширилган 323 тонна пахтанинг 170 тоннасини механик-ҳайдовчи Маъмир Самадов терib берди. Жами ҳосилнинг 295 тоннаси машиналар бункеридан тўкилиб, 283 тоннаси биринчи сортларга топширилди.

ҚУШ РАПОРТ

ЯНГИЙЎЛ. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида фидокорона меҳнат қилган Н. Ниёзов номли колхоз пахтакорлари ҳам дастлабки довондан ошганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. 888 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,4 центнердан ҳосил кўтарилди. Давлатга 2765 тонна хом ашё етказиб берилди.

САИМЭ хўжалигидан ҳам хушхабар олинди. Бу ерда давлатга жами 574 тонна пахта сотилиб йиллик план ортиғи билан адо этилди.

ИШДА ИЛҒОР, ҲАШАРДА ПЕШҚАДАМ

ПИСКЕНТ. 82-автотранспорт корхонасининг комсомоя-ёшлардан тузилган «Автомобилист — 83» зарбдор отряди ҳашарчилари мавсум бошидан бери район пахтакорларига баракали ёрдам кўрсатмоқдалар. 35 кишидан иборат отряд коллективининг шу кунгача уйган хирмони 105 тоннадан ошди. Бу мавсум бошида қабул қилинган социалистик мажбуриятдагидан ҳам анча кўпдир.

Мажбуриятнинг ортиғи билан адо этилишида корхона хизматчиси Қутби Норинбоева, шофёрлардан Юсуф Мирқосимов, Ориф Жумабоев, бухгалтер Элмира Беркинская сингари ҳашарчиларнинг хизматлари салмоқли бўлди. Уларнинг ҳар бири мавсум давомида беш тоннадан пахта териб беришди.

Ишчи-хизматчиларнинг ва шофёрларнинг бир қисми умумхалқ ҳашарига сафарбар этилганига қарамай, автокорхона ойлик ва квартал планларини муддатидан илгари адо этмоқда. Жумладан, ўн бир ойлик план 26 ноябрда адо этилди. Корхона коллективи йиллик планни ҳам муддатидан илгари 25 декабрда бажариш мажбуриятини олди.

ОҚ ОЛТИН—ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 29 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

БЎКА	0,02	110,77	106,52
КОММУНИСТИК	0,04	109,28	110,19
БЕКОБОД	0,02	165,60	75,55
ОҚҚЎРҒОН	0,03	105,45	109,13
ЧИНОЗ	0,04	103,51	79,58
ПИСКЕНТ	0,02	103,36	70,06
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,02	102,89	85,65
ЯНГИЙЎЛ	0,08	100,66	85,39
Ғалаба	0,02	93,39	69,40
Область бўйича:	0,03	103,82	87,75

ХУШХАБАР

ЧУДНАЯ ПЛАННИ БАЖАРДИ

Анастасия Ивановнанинг чорвачилиқни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси шу кўрсаткичлар билангина чекланиб қолмайди. Машинада сут соғиш мастери бошчилиқ қилаётган республика илғор тажриба мактабида йил бошидан буён 270 нафар сут соғувчи таълим олди.

(ЎзТАГ мухбири).

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красний водопад» экспериментал базасининг машинада сут соғиш операторн Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Чудная ҳар бир бош сигиндан кунига ўн олти килограммдан сут соғиб олмоқда. Ҳозир у янги меҳнат муваффақиятига эришди — сут етиштириш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Йил бошидан буён ҳар бир сигирдан 4,6 минг килограммдан сут соғиб олинди.

Анастасия Ивановнага 180 бош—бултургига қараганда 8 бош кўп мол бириктириб қўйилган. Илғор сут соғувчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар бир сигирдан жами 5150 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қилган.

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 1983 ЙИЛ 26 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — хўжаликлар, иккинчи устун — мавсум бошидан тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилгани (процент ҳисобида), тўртинчи устун — районлар.

КОЛХОЗЛАР:

«Коммунизм»	137,76	146,13	Бўка
«Октябрь 40 йиллиги»	131,08	138,04	Бўка
Фрунзе номли	129,51	134,88	Бўка
«Партия XIX съезди»	126,12	122,26	Бўка
«Ленинизм».	125,28	121,98	Бўка
«Политотдел»	122,92	128,15	Коммунистик
Ленин номли	120,37	94,55	Бекобод
«Победа»	119,83	100,28	Ғалаба
Свердлов номли	119,75	101,73	Пискент
«Ленинизм»	118,05	145,61	Оққўрғон
«Ленинский путь»	115,15	119,51	Коммунистик
«Коммунизм»	113,84	85,31	Янгийўл
Навоий номли	113,51	174,73	Оққўрғон
Охунбобоев номли	112,95	113,91	Ўрта Чирчиқ
Ҳамза номли	112,60	110,57	Бўка
Тимирязев номли	111,94	116,93	Бўка
Ленин номли	111,75	79,00	Янгийўл
«Коммунизм»	111,63	72,49	Ўрта Чирчиқ
«Ленинобод»	111,04	106,11	Бўка
Навоий номли	111,01	91,68	Чиноз
Икромов номли	110,19	104,05	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номли	109,59	74,80	Пискент
«Ленинград»	108,77	72,34	Ғалаба
Энгельс номли	107,86	77,42	Ғалаба
Жамбул номли	107,63	105,15	Бўка
«Коммунизм»	107,43	76,25	Оққўрғон
Охунбобоев номли	106,99	96,39	Чиноз
«Ленин йўли»	106,87	114,13	Ўрта Чирчиқ
Мичурин номли	106,35	99,68	Бўка
Куйбишев номли	106,35	112,88	Ўрта Чирчиқ
«Партия XXII съезди»	106,20	62,98	Ўрта Чирчиқ
Калинин номли	106,09	91,88	Пискент
«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»	105,93	100,00	Чиноз
«Октябрь 40 йиллиги»	105,93	82,29	Чиноз
Энгельс номли	105,72	77,21	Ўрта Чирчиқ
К. Маркс номли	105,44	91,40	Чиноз
Свердлов номли	105,32	59,58	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номли	105,11	106,35	Оққўрғон
Ильич номли	104,68	103,17	Бўка
«Ўзбекистон»	104,34	100,36	Коммунистик
«Правда»	103,94	110,02	Коммунистик
«Партия XXI съезди»	103,94	106,50	Янгийўл
«Ленин йўли»	103,86	94,12	Бўка
«Победа»	103,84	27,11	Бекобод
«Партия XX съезди»	103,56	95,37	Бўка
Вотинцев номли	103,55	83,71	Оққўрғон
Навоий номли	103,31	25,17	Бекобод
«Коммунизм»	103,00	64,23	Бекобод
«Озод»	102,72	101,22	Оққўрғон
Дзержинский номли	102,66	86,99	Бекобод
Ленин номли	102,58	100,91	Ўрта Чирчиқ
Терешкова номли	102,30	78,99	Ўрта Чирчиқ
Калинин номли	102,11	88,00	Янгийўл
«Қизил Октябрь»	101,91	92,78	Чиноз
«Заря коммунизма»	101,77	110,18	Ғалаба
«СССР 60 йиллиги»	101,54	100,44	Янгийўл
Энгельс номли	101,46	32,48	Чиноз
Свердлов номли	101,41	99,84	Коммунистик
К. Маркс номли	101,38	81,40	Коммунистик
Куйбишев номли	101,35	101,37	Оққўрғон
«Гулистон»	100,84	72,90	Пискент
«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»	100,69	74,24	Пискент
Ким Пен Хва номли	100,50	76,93	Ўрта Чирчиқ
«Ленинобод»	100,34	84,25	Оққўрғон
К. Маркс номли	100,11	91,04	Бўка
К. Маркс номли	100,06	94,82	Ўрта Чирчиқ
Ленин номли	100,00	73,50	Пискент
Ниёзов номли	99,64	86,06	Янгийўл
Ҳ. Олимжон номли	97,36	103,07	Оққўрғон
Киров номли	95,91	52,34	Ғалаба
Киров номли	93,83	65,14	Чиноз
«Москва»	93,58	82,22	Чиноз
«Ленинизм»	90,57	86,50	Янгийўл
«Интернационал»	90,05	85,69	Янгийўл
Турсунқулов номли	88,97	58,76	Янгийўл
Димитров номли	88,96	57,29	Ғалаба
«Партия XXII съезди»	88,49	78,96	Оққўрғон
Ҳамза номли	87,97	60,48	Ғалаба
«Москва»	85,45	54,05	Ғалаба
«Северний маяк»	85,11	43,79	Ўрта Чирчиқ
Свердлов номли	82,04	83,34	Ғалаба
Ленин номли	81,21	87,95	Ғалаба
Тельман номли	69,13	41,13	Пискент

СОВХОЗЛАР:

Сегизбоев номли	109,99	126,61	Оққўрғон
«Партия XXVI съезди»	107,86	65,58	Пискент
«Оққўрғон»	107,85	116,60	Оққўрғон
«Ленинград»	107,56	52,67	Бекобод
Мавлонов номли	106,06	96,85	Бекобод
«Партия XXIV съезди»	105,87	0,92	Чиноз
«Партия XXV съезди»	105,75	83,59	Бекобод
«Далварзин»	105,61	89,02	Бекобод
Колпакова номли	105,55	50,78	Бекобод
Бўка техникуми ўқув хўжалиги	104,44	77,14	Бўка
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги»	103,25	77,24	Ғалаба
«Пискент»	103,24	54,87	Пискент
САМИС	102,80	105,50	Янгийўл
«Бўка»	101,54	85,53	Бўка
«Авангард»	101,36	74,25	Бекобод
«Кўкорол»	100,56	93,06	Бўка
Ойбек номли	100,00	92,55	Бекобод
ТИИИМСХ ўқув хўжалиги	98,06	85,97	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	81,12	50,30	Ғалаба
Киров номли	80,18	43,15	Ғалаба

АГРЕССИВ НИЯТЛАР БАРБОД ЭТИЛСИН

Ўзбекистон қурилишлари ва корхоналарида, колхоз ва совхозларида бўлиб ўтаётган кўп кишилик митингларнинг қатнашчилари тинчликка бўлган қатъий иродасини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг Европада Америка ракеталари жойлаштирила бошланганлиги муносабати билан эълон қилинган баёнотини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилмоқдалар.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

— Америка империалистлари ва уларнинг НАТОдаги иттифоқчилари қуролланиш пойгасини жиловлашни кўзлаган совет тинчлик ташаббусларига қулоқ солишни истамадилар, — деди «Средазкабель» бирлашмаси меҳнаткашларининг митингида смена мастери А. Қурбонбоев. — Улар Женевадаги музокараларни барбод этиб, Европада ўзларининг ўртача олисликка учириладиган ядро ракеталарини жойлаштиришга киришдилар, шу тариқа ўзларига ҳарбий устунликни таъминлашга уриндилар. Вужудга келган ҳозирги шароитда партиямиз ва ҳукуматимиз қабул қилаётган жавоб чоралари тўғрисидаги қарор бирдан бир тўғри қарордир.

Митингда сўзга чиққан технолог Н. Ўринбоев, катта мастер И. Дадахонов ва бошқа ишчилар Вашингтоннинг авантюрачилик сиёсатини қаҳр-ғазаб билан қоралади лар ҳамда уруш оловини ёқувчиларнинг жиноятхорона ниятлари барбод бўлади, деб ишонч билдирдилар. Митинг қатнашчилари якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда ўртоқ Ю. В. Андроповнинг баёнотини маъқулладилар.

Митингларнинг қатнашчилари партия ва ҳукумат мамлакат хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб қабул қилаётган тадбирларини қўллаб-қувватлаяжакларини изҳор қилдилар. Қабул этилган резолюцияларда ҳозирги вақтда интизомга қатъий риоя қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, беш йиллик учинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш, мамлакат хирмонига 6 миллион тонна «оқ олтин» топшириш ва шу билан севимли Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Тошкент тўқимачилик комбинати меҳнатчилари бўлиб ўтган кўп кишилик митингда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг баёнотини якдиллик билан қўллаб-қувватланликларини изҳор этдилар.

— Вашингтон Америка ядровий ракеталарини Европада жойлаштира бошлаганлиги совет кишиларининг тинч турмуши учун хавф-хатарни кескин равишда кучайтирди, — деди пардозлаш фабрикасининг мастери Т. Фаткулина. — Соғлом фикрли ҳар бир киши бу ракеталар Европани ҳимоя қилиш учун асло хизмат қилмаётганлигини, балки Совет Иттифоқига қарата биринчи зарба уриш қуроли эканини тушунади. Европага ҳеч ким таҳдид солаётгани йўқ. Шу боисдан биз мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш юзасидан ўртоқ Ю. В. Андропов баёнотида кўрсатиб ўтилган чораларни астойдил маъқуллаймиз. Биз тинчлик душманларининг маккор ниятларини барбод этиш учун янада зўр ғайрат билан меҳнат қиламиз.

Иккинчи йигирув-тўқув фабрикасининг тўқувчиси Э. Снитченкова минбарга чиқиб бундай деди:

— Ядро ажали уруғлари солинган «першинглар» ва қанотли ракеталарнинг уйимиз яқинида жойлаштирилиши коммунизмга қарши «салиб юриши» хозирги илҳомчиларининг мудҳиш режаларини фош этмоқда. Лекин уруш оловини ёқувчилар шуни яхши билсинларки, совет кишилари муносиб жавоб қайтара оладилар. Партиямиз ва давлатимиз раҳбарининг баёнотида бу ҳақда қатъий сўзлар айтилган.

Митингда мастер ёрдамчиси К. Болдиров, механик И. Гольберг, пардозловчилар бригадири О. Шапошникова ва бошқалар сўзга чиқиб, Пентагоннинг ядровий дўқ-пўписаларига жавобан Совет ҳукумати кўраётган чораларни тўла-тўкис маъқуллайдилар ва ўзларининг зарбдор меҳнатлари билан мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшажакларини Тошкентдаги барча тўқимачилар номидан айтдилар.

(ЎзТАГ).

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ИШЧАНЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК — БОШ МЕЗОН

СОБИР РАҲИМОВ

Собир Раҳимов райони — кўп тармоқли хўжалиги интенсив ривожланмоқда. Кейинги йилларда район қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Тартибга солинган кўча ва хиёбонлар, майдонлар, спорт комплекслари, турар-жой бинолари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари район хуснига хусн қўшмоқда.

— Район партия комитетининг бутун эътибори бошланғич партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришга қаратилди, — дейди конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков.

Кейинги уч йил давомида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 24,1 процент, меҳнат унумдорлиги 20,3 процент ошди. Саноат корхоналарида 260 хил янги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. 1983 йил социалистик мажбуриятлари муваффақиятли бажарилаётир. Янги-янги турар-жой бинолари, мактаблар, поликлиникалар, мактабгача болалар муассасалари ва бошқа объектлар бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Бундай кўрсаткичларга эришишда социалистик мусобақа катта роль ўйнамоқда. Унда коммунистлар авангардлик қилмоқдалар. Меҳнаткашлар ва хизматчиларнинг 96 проценти мусобақада қатнашмоқда. Йигирма бешта цех, 232 бригада коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга сазовор бўлган.

Меҳнат коллективларида қимматли ташаббуслар кенг қулоч ёйди. «Қолоқларсиз ишлаймиз», «Бир беш йилликда икки беш йиллик вазифаларини бажарамиз» шиори остида мусобақа авж олди. Натижада ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларидан 150 киши ўн биринчи беш йиллик вазифаларини муддатидан илгари адо этишга муваффақ бўлди. Ҳисобот даврида район меҳнаткашлари икки марта Тошкент области, уч марта Тошкент шаҳри кўчма Қизил Байроғини қўлга киритдилар.

Айни пайтда докладчи ҳам, музокараларда сўзга чиққан делегатлар ҳам таъкидланганидек, ишда ҳамон жиддий нуқсонлар учраб турибди. Бир қатор саноат корхоналари белгиланган планларни бажармаяптилар. Натижада район бўйича 3,7 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириш унинг сифатини яхшилаш корхона раҳбарлари, партия ташкилотларининг ҳамиша диққат марказида туриши керак. Райондаги 26 та корхонада кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Фақат «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда бош кийимлар ишлаб чиқарувчи фабрика бундан истиснодир. Корхоналарнинг ярмидан кўпрофида сифатни бошқариш комплекс системаси ишлаб турибди. Булар туфайли беш йиллик бошидан буён олий категориядаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар ошди. Айрим корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ярмидан кўпини Давлат сифат белгиси билан жўнатмоқда. Агрегат, «Компрессор» заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 80 процентига Давлат сифат белгиси қўйилмоқда. Афсуски, бундай корхоналар бармоқ билан саналарлидир.

Район партия ташкилоти ва бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот даврида илғор иш тажрибаларини кенг ёйишга катта эътибор бердилар. Айниқса, бригада пудратини қўллашда сезиларли муваффақиятларга эришилди. Ҳозирги вақтда саноат корхоналарида 450 бригада ишини янгича ташкил этган. Улар ишлаб чиқарилаётган умумий маҳсулотнинг 43 процентини етказиб бермоқдалар. Кўпчилик меҳнат коллективларида иқтисодий тежамкорлик комиссиялари самарали ишлаб турибди. Беш йилликнинг ўтган даврида 700 тонна металл, 8 минг тонна ёқилғи, 15,6 миллион киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида корхоналарни техника жиҳатдан қайта ускуналаш ва реконструкция қилишга катта эътибор берилди. Бу соҳада 5,1 миллион сўм иқтисодий самара берадиган ишлар бажариб қўйилди. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даврида саноат корхоналарида 76 та поток ва комплекс механизациялашган линиялар, 1616 та янги ускуналар ишга туширилди, 204 та ускуна модернизация қилинди. Бу шартли равишда 1817 ишчи кучини тежашга, меҳнат унумдорлигини 15,5 процент ошириш, иш шароитини яхшилашга имкон яратди.

Коммунистлар, район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларини амалга оширишга, мамлакатимизда Озиқ-овқат программасини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар. Район корхоналари ва ташкилотлари кучи билан пойтахт областининг Калинин районида чорвачилик комплекслари қуриб ишга туширилди. Сирдарё областида ҳам чорвачилик комплекси жадал суръатда қурилмоқда.

Районнинг қишлоқ меҳнаткашлари билан алоқалари мустаҳкамланмоқда. Шу кеча-кундузда райондан борган 15 минг кишилик ҳашарчилар бригадаси 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этиш учун курашмоқда.

Ҳисобот даврида район партия ташкилоти капитал қурилишга ҳам катта эътибор берди. Кейинги уч йил ичида 77 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Социал-маиший қурилишлар ҳажми анча ошди, 3136 ўринли мактаблар, 1760 ўринли мактабгача болалар муассасалари, 360 ўринли касалхоналар, ўнлаб савдо объектлари ишга туширилди. 268,2 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Шулар билан бир қаторда капитал қурилишда жиддий камчиликлар ҳам бор. Асосий фондларни ишга тушириш плани барбод қилинмоқда. Уч йил ичида 4 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмади.

Меҳнат коллективларида ғоявий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш ва такомиллаштиришда сиёсий маориф ва иқтисодий таълим муҳим ўрин тутади. Сиёсий ўқув системасида 210 та мактаб ва семинарлар, 300 дан ортиқ иқтисодий таълим мактаби, 500 та коммунистик меҳнат мактаби мавжуд. Уларга 43 минг киши жалб қилинган. 200 киши марксизм-ленинизм университетида ўқимоқда. Пропагандист кадрлар сифат составини яхшилаш борасида бирталай тадбирлар амалга оширилди, уларнинг 85 процента олий маълумотли, 69 процента марксизм-ленинизм университетини тамомлаган.

Конференцияда сўзга чиққан агрегат заводи партия комитетининг секретари М. М. Мирпўлатов, «Миконд» заводи бош директори Х. Н. Тожиев, бош кийимлар фабрикаси тикувчиси Қ. Бердиева, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети партия комитети секретари В. В. Скворцов, 33-поликлиника бош врачи Ш. А. Аъзамова ва бошқалар ҳисобот даврида бажарилган ишларни таҳлил қилиб қимматли таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Улар КПСС билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини, халқаро вазиятни соғломлаштириш, ядро уруши хавфини олдини олиш учун давлатимиз кўраётган чора-тадбирларни астойдил маъқулладилар.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров нутқ сўзлади.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

* * *

Собир Раҳимов район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **А. И. Фозилбеков** — район партия комитетининг биринчи секретари, **В. А. Шалупов** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **Н. И. Иброҳимова** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

А. КАРИМОВ,
ТошДУ ўқитувчиси.

БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШСИН

ОРЖОНИКИДЗЕ

Ильич номли парранда-чилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг паррандабоқари, СССР Давлат мукофотининг лауреати Саломат Сайдалиевнинг қувончи чексиз. Бирлашма коммунистлари яқинда бўлиб ўтган ўзларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида уни район XXXI партия конференциясига делегат қилиб сайладилар.

Биринчи маротаба ана шундай йирик анжуманда иштирок этиш учун «Қизил Ўзбекистон» колхози маданият саройига келган делегат қиз бу ердаги диаграммаларни аллақандай ҳаяжон ва ифтихор туйғуси билан кўздан кечиради. Уларда район меҳнаткашлари қўлга киритаётган ютуқлар ўз аксини топган.

Район саноат корхоналарида беш йилликнинг ўтган даври мобайнида 464 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу борадаги план 102 процент бажарилди. 120 миллион сўмликдан кўп халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди.

Саноат корхоналарида бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан чиқанлар анчагина. Айни кунларда 1200 нафар ишлаб чиқариш илғори 1984—1985 йиллар ҳисобига меҳнат қилаётир.

— Шу билан бирга, — деди конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари С. Д. Сайдалиев, — саноатчилар ишида қатор камчиликлар мавжуд. Янги Тошкент консерва заводи, 2-ғишт заводи белгиланган топшириқни бажара олмаяпти. Гарчи, бу аҳвол район партия комитети бюро мажлисларида бир неча бор муҳокама қилинган бўлса-да, корхоналар коммунистлари, раҳбарлари ҳанузгача тегишли хулоса чиқара олмадилар. Натижада биргина ғишт заводи беш йилликнинг бошидан буён планда белгиланганидан 500 минг сўмлик кам маҳсулот берди.

Докладчи ҳисобот даврида қурувчилар ва транспорт ходимлари амалга оширган ишларни ҳам атрофлича таҳлил қилиб берди. Районда қурилиш-монтаж ишлари 1980 йилга нисбатан 4 миллион сўмга кўпайди. Ҳисобот даврида қурувчилар 82 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштирдилар. 75879 квадрат метр уй-жой бинолари, 3224 ўринли мактаблар, 670 ўринли мактабгача тарбия муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди.

Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари алоҳида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилганликлари зўр мамнуният билан таъкидланди. Давлатга мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш уч йиллик плани бажарилди. Бу йил оржоникидзелик сабзавоткорлар биринчи марта 100 минг тонналик маррани эгаллашди. Давлатга дон, картошка, узум, пилла сотиш планлари ортиғи билан адо этилди. Сабзавот ҳосилдорлиги гектар бошига 282 центнерга, картошка 141 центнерга, узум 114 центнерга, мева 82 центнерга етди.

Лекин, кўпгина хўжаликларда турлар бўйича план ва топшириқлар бажарилмаётир. Айниқса, помидор ва сабзидан кам ҳосил олинмоқда. Хўжаликлар районлаштирилган юқори ҳосилли уруғликлар билан таъминланмаяпти.

Конференция делегатларининг диққат-эътибори ихтисослаштириш қандай самаралар берётганлигига қаратилди. Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган «Қибрай» совхоз-заводида узум ҳосилдорлиги ўртача 161 центнерни ташкил этди. Хўжаликнинг У. Улуғўжаева, Б. Тўрабекова, Э. Белолов бошлиқ бригадаларида бу кўрсаткич 200 центнердан ошиб кетди. Айни вақтда «Коммунист» ва «Правда» колхозларида узум ҳосилдорлиги аранг 50 центнерга етди. Бу хўжаликларнинг И. Қўчқоров, А. Пўлатов, Л. Дадабоев бошчилик қилаётган бригадаларида эса токзорларнинг ҳар гектаридан 10—40 центнердан ҳосил олинди, холос.

Узумчиликка ихтисослаштирилган Р. Мусамуҳаммедов номли совхоз-заводга нисбатан «Октябрь», «Маданият», Ленин номли колхозларда ҳосилдорлик тўрт маротаба паст бўлди.

Чорвачиликда сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Бу борада Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» таянч тажриба хўжалиги, СоюзНИХИнинг марказий экспериментал базаси, Р. Мусамуҳаммедов номли совхоз-завод чорвадорлари бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Бу хўжаликларда гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 550—580 килограммни ташкил этади. Ҳўжаликнинг У. Улуғўжаева, Б. Тўрабекова, Э. Белолов бошлиқ бригадаларида бу кўрсаткич 200 центнердан ошиб кетди. Айни вақтда «Коммунист» ва «Правда» колхозларида узум ҳосилдорлиги аранг 50 центнерга етди. Бу хўжаликларнинг И. Қўчқоров, А. Пўлатов, Л. Дадабоев бошчилик қилаётган бригадаларида эса токзорларнинг ҳар гектаридан 10—40 центнердан ҳосил олинди, холос.

Узумчиликка ихтисослаштирилган Р. Мусамуҳаммедов номли совхоз-заводга нисбатан «Октябрь», «Маданият», Ленин номли колхозларда ҳосилдорлик тўрт маротаба паст бўлди.

Чорвачиликда сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Бу борада Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» таянч тажриба хўжалиги, СоюзНИХИнинг марказий экспериментал базаси, Р. Мусамуҳаммедов номли совхоз-завод чорвадорлари бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Бу хўжаликларда гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 550—580 килограммни ташкил этади. Хўжаликнинг У. Улуғўжаева, Б. Тўрабекова, Э. Белолов бошлиқ бригадаларида бу кўрсаткич 200 центнердан ошиб кетди. Айни вақтда «Коммунист» ва «Правда» колхозларида узум ҳосилдорлиги аранг 50 центнерга етди. Бу хўжаликларнинг И. Қўчқоров, А. Пўлатов, Л. Ворошилов номли совхоз бригада бошлиғи Н. Саъдуллаева сабзавот ва картошка экинлари ҳосилдорлигини оширишда ўз коллективи тўплаган тажрибалар ҳақида гапириб берди. Бу коллектив нарядсиз усулда ишлаб, ҳар гектар майдондан 370 центнердан помидор, 400 центнердан сабзавот ҳосили йиғиштириб олди. Эндиликда бошқа коллективлар ҳам ишлаб чиқаришнинг прогрессив системасига ўтиб ишлашга ҳаракат қилмоқдалар.

«Оҳангарон» совхози сут соғувчиси З. Назарова жамоат чорвачилигини ривожлантиришда қўлга киритилаётган ютуқларни таъкидлаш билан бирга қишлоқда турмуш маданиятини ошириш зарурлигини ҳам уқтирди. Совхозда муҳим оммавий-сиёсий, маданий тадбирлар ўтказиш учун шароитлар яратилмаган. Клуб муассасалари йўқлиги учун ҳам тарбиявий ишларни яхшилаш бўйича кўрилаётган тадбирлар кутилган самарани бермаяпти.

Эйвали маҳсус темир-бетон буюмлари комбинати партия ташкилоти секретари Ф. Шайдуллин меҳнат интизомини мустаҳкамлашда ва планларнинг бажарилишини таъминлашда цех партия ташкилотлари кўраётган тадбирларни таҳлил қилди.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида сиёсий-тарбиявий, ташкилий-партиявий ишларни такомиллаштириш заруратини А. Эгамназаров ва бошқалар халқ хўжалигига илғор иш усулларини кенг жорий қилиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив усулларидан фойдаланиш борасида ўзларининг қимматли фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Конференцияда халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

Конференция муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Оржоникидзе район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **С. Д. Сайдалиев** — район партия комитетининг биринчи секретари, **В. А. Лозицкий** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **М. К. Жалилова** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ УЧУН

ОҲАНГАРОН

«Район XXII партия конференциясига муносиб туҳфалар». «Оҳангарон» газетасининг кейинги сонларида шу рубрика остида ишлаб чиқариш илғорларининг рапортлари эълон қилина бошланди. Бу рапортларнинг биринчи С. Раҳимов номли совхоз сут соғувчиси, конференция делегати Б. Иброҳимова йўллаган. У ўз боқимидаги ҳар бош соғин сигирдан шу кунгача 3 минг килограммдан ошириб серқаймоқ сут соғиб олганлигини маълум қилган. Эндиликда илғор чорвадор мажбурият ҳисобига маҳсулот топширяпти. Йил охиригача сигирларнинг ҳар биридан 3300 килограммдан сут соғиб олишга сўз берган.

Ғалла маҳсулотлари комбинатидан йўлланган рапортда эса конференция арафасида 1983 йил топшириғи тўла бажарилганлиги маълум қилинади. Корхона коллективи планга қўшимча 1300 тонна омухта ем, 300 тонна ун ишлаб чиқарди. «Сантехлит» заводи қувур цехи бошлиғи В. Забродский ҳам ўз коллективи меҳнат календарида 1984 йил бошланганлигини билдирган.

Ғалаба рапортлари конференция президиумига ҳам кўплаб келди. Ҳа, беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган социалистик мусобақа яхши самаралар беряпти. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида саноатчилар ўнинчи беш йилликнинг шу даврига нисбатан 72 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича белгиланган марралар ҳам муваффақиятли эгалланди.

Ҳозирги кунда социалистик мусобақанинг турли формаларига салкам 7 минг ишчи ва хизматчи жалб этилган. Уларнинг аксарияти коммунистик меҳнат ҳаракатида актив иштирок этмоқдалар. 248 та бригада эса пудрат усулида ишлаб, яхши самараларга эришмоқда.

Саноатчилар ҳисобот даврида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича муҳим тадбирларни амалга оширдилар. Улардан тушган рационализаторлик таклифларининг жорий этилиши туфайли 1 миллион сўмлик самара олинди. Бу соҳада «Стройпластмасса» комбинати, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналарнинг коллективлари яхши самараларга эришмоқдалар. «Стройпластмасса» комбинати ишчилари янгиликни жорий этиш туфайли товар маҳсулоти таннархини салкам 60 минг сўмга арзонлаштиришга, қўшимча 10 минг сўм фойда олишга муваффақ бўлдилар.

Партия конференциясида ҳисобот доклади қилган Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари К. И. Икромов саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда эришилаётган ютуқларни алоҳида тилга олиб ўтди. Айни пайтда у делегатлар эътиборини бажарилмай қолаётган масалаларга ҳам қаратди. Кўпгина корхоналар маҳсулот турлари бўйича белгиланган топшириқни ҳамон бажармай келяптилар. Ўтган давр мобайнида 22 мингта шартли плита шифер, 75 минг тонна цемент, 6,4 минг дона труба, 15 минг кубометр темирбетон буюмлари кам ишлаб чиқарилди.

Кўпгина участкаларда бригада пудрати ҳамон сust жорий этилаяпти. «Сантехлит» заводи ишчиларининг атиги олти процента нарядсиз системада ишлашга ўтказилган. Шундай аҳвол қурилиш ташкилотларида ҳам рўй бераяпти. 6-, 13-кўчма механизациялашган колонналарда пудрат усули умуман қўлланилмаяпти. Бошланғич партия ташкилотлари прогрессив усулни жорий этиш устида кам қайғурмоқдалар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликдаги аҳволни ҳам синчковлик билан таҳлил қилдилар. Озиқ-овқат программасини бажариш юзасидан кейинги йилларда район хўжаликларида катта ишлар қилинмоқда. Кўрилаётган тадбирлар туфайли сабзавот етиштириш плани ва социалистик мажбурияти бу йил ортиғи билан адо этилди. Шу кунгача қарийб 62 минг тонна маҳсулот эл дастурхонига тақдим этилди. Бу планда кўзда тутилганидан 12 минг тонна кўпдир.

Сабзавоткорлар экинлар ҳосилдорлигини ошириш устида алоҳида қайғурмоқдалар. Агарда 1980 йилда картошкадан район бўйича ўртача 83 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 110 центнерга етди. Сабзавотдан эса гектар бошига ўртача 234 центнердан ҳосил олинди.

Лекин бу соҳада ҳам турлар бўйича топшириқларнинг бажарилмаётганлиги конференцияда уқтириб ўтилди. 646 тонна бодринг, 911 тонна сабзи, 602 тонна томат кам етиштирилди. Ҳосилни йиғиб-териб олишда нобудгарчиликка йўл қўйилди.

Чорвачилик соҳасида ҳам ҳали бажариладиган ишлар кўп. Тўғри, район чорвадорлари ҳисобот даврида гўшт етиштиришни 2,5 марта, сут етиштиришни 1,5 марта, тухум етиштиришни 6,1 марта кўпайтирдилар. Лекин улар ўн биринчи беш йиллик давомида яна ҳам юксак марраларни эгаллашга сўз берганлар. Бунинг учун чорва моллари наслини яхшилаш, подадаги сигирлар сонини кўпайтириш, бузоқчиликни яхшилаш лозим бўлади. Айни пайтда «Ангрен», Куйбишев номли, Серго номли, «Октябрь» совхозларида гўшт етиштириш бўйича белгиланган суръат эгалланмаяпти. Сут етиштиришда ҳам бу хўжаликлар орқада қолмоқдалар. Улар айби билан ҳисобот даврида район бўйича 700 тонна кам сут етиштирилди.

Сўзга чиққан нотиқлар энг аввало ишлаб чиқаришни интенсивлаш зарурлигини алоҳида уқтирдилар.

— Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш эвазига бу йил чўчқачиликдан салкам 300 минг сўмлик даромад кўрдик, — деди «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси директори Г. П. Гриценко. — Хўжалигимизда сутчилик ҳам кенг ривожланмоқда. Ҳисобот даврида 2536 тонна серқаймоқ сут соғиб олинди. Шу йилнинг ўзида қўшимча 900 тонна сут топширишга қарор қилганмиз.

Нотиқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор нуқсонлар устида ҳам тўхталди. Техникага хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ишидан у норози бўлиб гапирди. Чорва молларига берилаётган аралаш озуқа тўйимлилигини ошириш ҳам зарур. Ҳозир совхозда бир қатор ишлаб чиқариш, маданий-маиший объектлар, уй-жойлар қурилмоқда. Лекин қурилиш ишлари ниҳоятда чўзилиб кетаяпти.

Ғ. А. Эгамназаров ва бошқалар халқ хўжалигига илғор иш усулларини кенг жорий қилиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив усулларидан фойдаланиш борасида ўзларининг қимматли фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Конференцияда халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

Конференция муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиди, район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Оҳангарон район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **К. И. Икромов** — район партия комитетининг биринчи секретари, **М. А. Бикетов** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **Ш. П. Қаршибоева** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Ж. НОСИРОВ.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

ТОШКЕНТ

Район меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлаб ишламоқдалар. Улар асосий эътиборни меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳар бир иш жойида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани авж олдириш орқали ишлаб чиқаришда юксак самарадорликка эришишга, Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшишга, бунинг учун район экономикасининг етакчи тармоқлари ҳисобланган сабзавотчилик, мевачилик ва чорвачиликни ривожлантиришга қаратмоқдалар.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари А. Т. Тўрахонов ва музокараларда сўзга чиққан «Ленин йўли» колхози раиси С. Муҳамаджонов, К. Маркс номли колхоз раиси Р. Акбаров, Келес жунни қайта ишлаш фабрикаси директори А. Саъдуллаев, Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари А. Умаров, «Ленинград» совхози бригада бошлиғи С. Иброҳимов ва бошқа нотиқлар кейинги уч йил давомида экономикасининг етакчи тармоқлари анча юксалганлигини таъкидладилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳар йили ўрта ҳисобда 9—10 процентдан ошиб борди. Ўн биринчи беш йилликнинг уч йиллик плани 108,6 процент қилиб бажарилди. Капитал қурилиши, транспортни юксалтиришда ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди.

Район экономикасида деҳқончилик ва чорвачилик етакчи ҳисобланади. Колхозлар ва совхозлар меҳнаткашлари ана шу муҳим тармоқларни юксалтириш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун ўнлаб самарали меҳнат туфайли олинаётган даромад ҳам кўпайиб бормоқда. Агар 1976 йилда олинган барча даромад 16 миллион 700 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили у 30 миллион 393 минг сўмга етди. Бу йил эса даромаднинг ками билан 34 миллион сўмга етиши кутилмоқда. Карл Маркс, Навоий номли, «Ленин йўли» колхозларида олинаётган даромад миқдори 1976 йилдагига нисбатан 2—2,5 баравар ортди.

Ҳисобот докладида ва сўзга чиққан нотиқлар нутқларида район экономикасини ривожлантиришда янада юксак натижаларга эришиш мумкинлиги, лекин мавжуд резерв ва имкониятлардан фойдаланишдаги нуқсонлар бунга халақит бераётганлиги кўрсатиб ўтилди. Қатор хўжаликларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш йилдан йилга қимматлашиб бормоқда. Буни рентабеллик даражасида яққол кўриш мумкин. Районда рентабеллик даражаси 24 процентдан ортган хўжаликлар бўлишига қарамасдан умуман бу кўрсаткич қаноатланарли эмас. У тўғри йили 1981 йилдагига нисбатан 1,5 процент камайди. Охунбобоев, Ильич, Собир Раҳимов номли колхозларда рентабеллик йил сайин орқага кетмоқда. Чунки, етиштирилаётган маҳсулот таннархи камаймаяпти.

Шуни айтиш кифояки, кейинги икки йилда райондаги бирор хўжалик маҳсулот таннархи арзонлашишини таъминламади. Меҳнатни ташкил этиш, хўжалик ҳисобини жорий қилишдаги камчиликлар иш ҳақининг унумдорликка нисбатан тез ўсишига сабаб бўляпти. Агар меҳнат унумдорлиги 1981 йилда 4,5 процент ошган бўлса, иш ҳақи 20,1 процент, ўтган йили эса унумдорлик 3,8 процент ортгани ҳолда иш ҳақи 14,3 процент кўпайди.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш нуқсонларни бартараф этиш учун район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга раҳбарликни янада яхшилашлари, барча хўжаликларда сабзавот, мева, картошка, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириқларининг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш учун зарур чораларни кўришлари, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг ўз вазифасига нисбатан масъулиятини янада оширишлари, талабчанликни кучайтиришлари, коммунистларнинг ишлаб чиқаришда авангард бўлишига эришишлари, барча идеологик, оммавий-сиёсий ишларни ҳар бир меҳнат коллективи олдида турган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига қаратишлари лозим.

Конференцияда область партия комитети бюроси аъзоси, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов нутқ сўзлади.

Конференцияда республика халқ контроли комитети раиси Н. М. Маҳмудов иштирок этди.

Конференцияда район партия комитетининг, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **А. Т. Тўрахонов** — район партия комитетининг биринчи секретари, **А. И. Кашенко** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **Ҳ. С. Сайдалиева** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

Адабиёт ва санъат

ИККИ РУБОИЙ

Кимки ўз юртидан кетса йироққа,
Узоқ дош беролмас аччиқ фироққа.
Зеро, савлат тўкиб турган чинор ҳам
Кўксин қалқон айлар она-тупроққа.

***

Бепоён юртимнинг боғ-роғи азиз,
Даҳлсиз ҳар қисм тупроғи азиз.
Қўйчи, санаб неткум, тоғидан тортиб
Шўрхок чўлда битган янтоғи азиз.

Ғайрат МАҲМУД.

ОТАЖОН

Соғмисиз, омонмисиз меҳрибоним отажон,
Сизни кўпдан кўрганим йўқ, боролмади қизингиз.
Биламан сиз пайкалларда ниҳолларга бериб жон,
Тунлар бедор кўкламдан то кузгача куйманасиз.
Пахта экиб бахтин топган кўкраги тоғ отажон,
Сизга деган қўшиқларим кўп, беадоғ отажон.
Ойдин тунлар ихлос билан ғўзага сув тарайсиз,
Элга, ерга меҳр қўйиб меҳнат қилиб толмайсиз,
Эгатларнинг куй басталаб жилдираши сизга ёд.
Сизда ортар гул ҳаётга ҳар кун чексиз муҳаббат.
Пахта экиб бахтин топган қўли қадоқ Отажон,
Сизга деган қўшиқларим кўп, беадоғ Отажон.

ҚОРМАНГ, ДУГОНАЛАР

Қорманг энди ишда толмас дугоналар қалайсиз,
Юрагимни меҳр ўти ёқди келдим сиз томон.
Сизни қучай Гулноргинам эли севган дилбар қиз,
Юзингизда шода терлар ураяпсиз сиз жавлон.
Сиз-чи гўзал Саодатим, София ҳам Турсуной,
Ҳар кун тонгда йўл олардик ким ўзар деб далага.
Мақсадимиз битта эди— юртга бериш кўрк, чирой,
Байроғимиз кўринарди ўхшаб, гулга, лолага.
Пахтазорда куйманасиз ниҳолларни ардоқлаб,
Букун ҳам сиз қўёш билан ўйнаяпсиз басма-бас.
Далангиздан топар сизни келган дўстлар сўроқлаб,
Оқ дурларга айланмоқда сиздаги ишқ, чўнг ихлос.
Мен ғўзамнинг баргларини кашта қилиб тикмадим,
Юрагимга жойлаяпман уни қатим-қатимлаб,
Яшил далам қишлоғимнинг расмини қоғозга чиздим,
Ҳар қаричи менга таниш япроқларга қўйиб лаб.
Сиз пахтадан тоғ-тоғ хирмон яратдингиз бесаноқ,
Пахта ишқи қалбингизнинг тўридан жой олгандир.
Ҳар бирингиз азиз она, севимли ёрсиз бешак,
Сиз эмасми ойдин тунлар юлдузларга айтган сир.
Сиз эмасми чаноқлари қуёшга гул тутганда,
Чаноқларда тошиб-тошиб шод қўшиқлар куйлаган.
Далаларни ёндирганда саратоннинг офтоби,
Сиз кетмайсиз, оқ зарларга буркансин деб кенг далам.
Азизларим, ҳар бирингиз фидойисиз биламан,
Қалбингизда шул қишлоққа ёниқ, ёниқ меҳр бор.

Анора ПАРДАБОЕВА.

ДЕҲҚОН

1

Мен — деҳқонман, пахтакор деҳқон,
Қуёш каби тарихим узоқ.
Момо ерни қилганман макон,
Тиллашаман унинг-ла ҳар чоқ.

Уруғ сочиб қадим авлодим
Ердан фақат олган нақдини.
Мерос қилиб касбин аждодим
Заҳмат чекиб топган бахтини...

Пахтам каби орзум чечаги
Юрагимда сеп ёйди оппоқ.
Нуқразорлар — ишқим чечаги,
Чулғаб олган меҳримни мутлоқ.

Ҳали кўклам қоқмасдан эшик,
Белга тугиб ризқи-рўзимни,
Дарё келса ечмасдан этик,
Истиқболга тиқдим кўзимни.

Қишда ҳосил хамирин қориб,
Уруғ сочдим келганда баҳор.
Гоҳ далада қолсам гар ҳориб,
Кўз очурман тонг чоғи такрор.

Менга гўза — азиз бир фарзанд,
Ардоқлагум кафтимда, ахир.
Фарзандимга дилбандман, дилбанд,
Кўрим сочгум тафтимда, ахир!

Куз тўкади юлдуз чаманин,
Чайқалади олтин чаноқлар,
Оппоқ ҳислар қоплайди мани,
О, нақадар завқли бу чоғлар!

Ҳар бир чаноқ мисли бахт бўлиб
Менга тутар кумуш пиёла.
Омадларим яна нақд бўлиб
Туюлади оппоқ шалола.

Ҳимматим ҳуш келар элларга,
Тоғлар уйдим Ҳиндиқуш мисол.
Пахта ҳидин сочиб йўлларга
Қаршилайман тонгларни хушҳол.

2

Мен — деҳқон ўғлиман, пахтакор деҳқон,

Момо ерга туташ қайноқ юрагим.
Ернинг илдизига юргизувчи қон,
Метиндай тобланган менинг билагим..

Гоҳи ер томирин ушлаб табибдай
Қалбин уришига осурман қулоқ.
Унга малҳам бўлиб мунис ҳабибдай
Баъзан вужудимга тушар зирқироқ.

Ахир ер илмини сув қилиб ичиб,
Кўзларим нурини сочганман унга.
Тупроқ заррасида кашфиёт очиб
Юрагим қўрларин сочганман унга!

Пахтанинг тақдири — Ватан тақдири,
Унда аксин топмиш менинг санъатим.
Дунёни ёритар мунаввар нури,
Шу нурда мужассам бахтим, ҳимматим!

3

Мен — деҳқон ўғлиман, пахтакор деҳқон,

Оғир жабҳаларда қўли қадоқли.
Пахтанинг заҳматин кўп чеккан инсон,
Қардошлар тўрида ўриним ардоқли.

Менинг ўз маконим,
Ўз баҳорим бор.
Ўзгалар уйига суқилмайман ҳам.
Шу юртга муҳаббат, иқтидорим бор,
Арзийди заррасин кўзимга суртсам.

Туну кун билмасман чумоли мисол,
Юзимда даланинг табаррук гарди.
Баъзан ётиб қолсам тўшакда беҳол,
Кўнглимдан армас пахтанинг дарди...

Шундай яралганман қуёш юртида,
Боболарим олдда тутганлар чироқ.
Оламнинг сершовқин мавжи, кўркида
Ўзбекнинг пахтаси нур сочар яшноқ.

Ашурали АҲМЕДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ АСАРЛАРИ

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

ЧАКАНА САВДО

САНЪАТШУНОС ФИКРИ

ДРАМАТУРГ Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг энг янги пьесаларидан бири—«Чакана савдо» жанр эътибори билан сиёсий памфлетдир. Асарнинг сюжети кескин. Унда автор ҳозирги замон буржуа дунёсининг ахлоқини, пулдорлар синфининг ижтимоий иллатларини фош этади. Бу борада А. Иброҳимов рамзий, гротеск, бўрттириш элементларидан ўринли фойдаланади. Воқеа Океаниядаги оролчалардан бирида, инсон аъзоларини кўчириб ўтказишга ихтисослашган хусусий экспериментал клиникада кечади. Пьеса асосида ҳозирги замон фанлари, жумладан, медицина фани ютуқлари капиталистик дунёда инсониятга қарши хизмат қилади, деган ғоя ётади. Шу ғояни очиб берар экан, автор воқеалар жараёнида ҳозирги замон буржуазиясининг ваҳший ахлоқини фош этади, унинг реакцион моҳиятини, аксилинсоний фалсафасини қоралайди.

Пьесадаги бош қаҳрамонлар ва персонажлар одатдаги исмлар билан эмас, балки шаҳарлар, қишлоқлар, концентрацион лагерларнинг номлари билан аталган. Масалан, салбий қаҳрамонларнинг образларига Освенцим, Бухенвальд, Аттика каби номлар берилган. Ёки бўлмаса Хиросима, Нагасаки, Абу Забал, Белфаст, Сонгми номларида биз инсонпарвар, тараққийпарвар вакилларни кўрамиз. Бу усулдан илгари устоз Ҳамза маҳорат билан фойдаланган эди. Бу ўринда биз устоз анъанаси муваффақият билан давом эттирилганини алоҳида таъкидлаймиз.

Бу пьеса, шубҳасиз, ҳам томошабинларнинг, ҳам ўқувчиларнинг диққатини ўзига жалб этади, деб ўйлаймиз.

Фрунзе ЖЎРАЕВ.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Готик услубидаги шийпон. Хиросима креслода журнал кўриб ўтирибди. Бир варақ қоғозни байроқдек кўтариб Нагасаки киради. У хурсанд.

НАГАСАКИ (қоғозни боши узра айлантириб). Мана!..

ХИРОСИМА (севиниб). Нима, телеграммами! Уйимиздан... **(Журнални улоқтириб, ўрнидан туриб кетади).**

НАГАСАКИ (виқор билан). Суюнчисини олмай туриб, айтмайман! **(Қоғозни орқасига яширади).**

ХИРОСИМА. Майли, азизим. **(Нагасакига юзини тутиб).** Мана сенга суюнчи.

НАГАСАКИ. Бундай суюнчини бажонидил қабул этаман. **(Хиросима юзидан оҳиста ўпиб олади).**

ХИРОСИМА. Қани берчи, мен ҳам кўрай телеграммани.

НАГАСАКИ (қоғозни узатиб). Телеграмма эмас.

ХИРОСИМА (қоғозни олмай). Нима бўлмаса?

НАГАСАКИ. Суғурта қоғоз.

ХИРОСИМА. Суғурта қоғоз?

НАГАСАКИ. Ҳа. Мен ҳаётимни суғурта қилдим. Минг долларга!

ХИРОСИМА. Минг долларга?

НАГАСАКИ. Ҳа. Нима, бу камми? Ахир, бир йилгина муддатга-ку.

ХИРОСИМА (кесатиб). Минг доллар! Бир йил!

НАГАСАКИ. Сени ўйлаб шундай қилдим.

ХИРОСИМА. Нима керак эди?

НАГАСАКИ. Агар менга бирор кориҳол бўлса...

ХИРОСИМА. Қўй, қўй, гапирма. **(Нагасакининг елкасига бош қўяди).** Сенсиз менга ҳаёт йўқ.

НАГАСАКИ (юпатиб). Азизам...

ХИРОСИМА. Йиртиб ташла қоғозни. Кел, йиртиб ташла. Юрагимга ғулғула солма.

НАГАСАКИ. Буни йиртиб ташлашим мумкин, лекин иккинчи нусхаси уларнинг қўлида. Мен бу қоғозни доимо ёнимда олиб юришим керак.

ХИРОСИМА. Нега?

НАГАСАКИ. Агар мен бирор тасодиф билан фалокатга учрасам, соғ қолган аъзоларимдан трансплантологияда фойдаланишади. Бу қоғозда ана шу ҳақдаги васиятим ҳам ёзилган. Энди паспортимда ҳам бу ҳақда белги қўйилади.

ХИРОСИМА (бўшашиб). Шундайми?

НАГАСАКИ. Ҳа. Лекин ҳеч ташвишланма. Мен ҳали узоқ яшайман.

ХИРОСИМА. Бўлмаса, нега энди...

НАГАСАКИ. Ҳозир ҳар бир садоқатли эр ҳаётини суғурта қилиб қўймоқда. Бу одат тусига кирган. Мен ҳам сени, қолаверса, бўлажак фарзандимизни ўйлаб, шу ишни қилдим.

ХИРОСИМА. Ишқилиб, қаро кун бошимга тушмасин.

НАГАСАКИ. Албатта, тушмайди. Мабодо тушиб қолса, қилмишим бир кунингга ярайди. **(Хиросимани чалғитиш мақсадида).** Дарҳақиқат, бугун атоммашинани ишга солиб юбордим.

ХИРОСИМА. Ҳўш?

НАГАСАКИ. Энди оролча ичимли сувга маъмур.

ХИРОСИМА. Демак, компания қитъадан сув ташиб келишдан қутулибди.

НАГАСАКИ. Ҳа. Инсон заковати шундай эзгу ишларга қодир.

Аттика ва Сонгми кирадилар.

АТТИКА. Биринчидан, эзгулик дегани нисбий тушунча. Ҳар кимнинг қилмиши — ўзи учун эзгулик.

СОНГМИ. Бутун бир қишлоқни йўқ қилиб юбориш ҳам эзгуликми?

АТТИКА. Бўлмаса-чи!

НАГАСАКИ. Йўқ, бу ваҳшийлик.

АТТИКА. Айтдим-ку, эзгулик дегани нисбий тушунча деб. Худди шу каби ваҳшийлик деганингиз ҳам нисбий тушунча. Бир нарса қарама-қарши манфаатли томонларнинг бири учун эзгулик, иккинчиси учун ваҳшийлик бўлади. Чунки ҳар ким ўз манфаатини ўйлаб иш тутади.

ПЬЕСАДАН ПАРЧА

НАГАСАКИ. Наҳотки, инсон яхшидан ёмонни ажратолмаса?

АТТИКА. Ажрата олади. Лекин ўз нуқтаи назаридан қараб баҳо беради.

СОНГМИ. Бутун бир қишлоқни йўқ қилишни ҳамма ҳам қоралайди.

ХИРОСИМА. Қоралаш керак.

НАГАСАКИ. Албатта.

АТТИКА. Муқаддас иш учун, Ватан ҳимояси учун бир қишлоқ экан-ку, бутун бир ўлкани ҳам топтаб ташламоқ мумкин ва керак.

НАГАСАКИ. Нима, одамларнинг чумолича қадри йўқми?

АТТИКА. Одамлар дейсиз-а? Сиздек зўр мутахассис, зиёли учун ҳамма одамларга бир хил қараш яраш майди. Дунёда нима кўп— одам кўп. Нима тез кўпаймоқда—одам!

ХИРОСИМА. Кўпайгани яхши-да.

НАГАСАКИ. Бўлмасамчи. Миқдорий ўзгариш сифат яхшиланишига олиб боради.

АТТИКА. Йўқ! Демографик портлашга, яъни қаҳатчиликка олиб боради. Мен буни сизларга фактлар тили билан исботлаб беришим мумкин. Мана эшитинг. Одам Атодан бошлаб то 1830 йилгача одамлар бир миллиард бўлишган. Орадан бир аср ўтгач, яъни 1930 йилда икки миллиардга етишган. Бундан ўн йил илгари уч миллиард эдик. Ҳозир тўрт ярим миллиардга бориб қолдик. Шундай кетаверсак, йигирма биринчи асрнинг бошларида етти миллиардга етамиз. Етти миллиард-а! Бошқача айтганда, Одам атодан бошлаб сайёрамизда қанча одам яшаб ўтган бўлса, бир пайтда шунча киши яшайди. Ер остидагилар билан ер устидагиларнинг сони баббаробар бўлади. Бир ўликка — бир тирик! **(Хандон отади).** Бир ўликка бир тирик! Яхши ибора! Агар ёзувчи бўлсам роман ёзиб, шундай ном берар эдим.

НАГАСАКИ. Жаноб Аттика, одамларга ҳурмат билан қарамоқ керак.

АТТИКА. Лекин ҳамма одамларга эмас. Фақат мумтоз кишиларга ҳурмат билан қараш керак, холос.

ХИРОСИМА. Мумтоз кишилар — булар оқсуякларми?

СОНГМИ (киноя билан). Алоҳида кварталларда турадиган, алоҳида ресторанларда овқатланадиган, алоҳида касалхоналарда даволанадиган, алоҳида курортларда дам оладиган, ҳатто қабристонлари ҳам алоҳида бўладиган одамларни мумтоз кишилар дейилади. Шундайми, жаноб Аттика?

АТТИКА. Офарин, Сонгми! Менга яқин юрганинг учун ақлинг ўсяпти.

ХИРОСИМА. Шундай алоҳидалик шартми?

НАГАСАКИ. Шарт эмас.

АТТИКА. Йўқ, шарт. Шартгина эмас, шундай бўлиши табиий.

ХИРОСИМА. Нима учун?

АТТИКА. Чунки она табиатимиз одамларни иқтидорли, ўртача қобилиятли ва қобилиятсиз қилиб яратган. Табиий тафовут заминидан ижтимоий тафовут келиб чиқади. Жамият мумтоз кишилар, ўрта ҳоллар ва оддий кишиларга бўлинади.

НАГАСАКИ. Йўқ. Ижтимоий тузумдаги паст-баландликлар туфайли кишилар ўртасида тафовут келиб чиққан. Ибтидоий тузумда бой, камбағал бўлмаган-ку, ахир. Ҳамма бир хил ҳуқуққа эга бўлган.

ХИРОСИМА. Ҳозир шундай қилиб қўйиш мумкин эмасми?

АТТИКА. Бари бир фойдасиз. Масалан, шундай бир тасаввур қилиб кўрайлик. Ер юзидаги барча бойликни ҳаммага бир хил миқдорда тақсим қилиб берилди, дейлик. Демак, ҳамма модлий томондан тенг. Лекин бу тенглик узоққа чўзилмайди. Қобилиятсизлар камбағаллашади, қобилиятлилар бойиб кетади. Шундай бўлиб келган, бўлмоқда, бундан кейин ҳам шундай бўлаверади.

НАГАСАКИ. Қобилиятли деганда кимларни кўзда тутяпсиз?

АТТИКА. Уддабуронларни! Яхши яшаш йўлини биладиганларни!

НАГАСАКИ. Жаноб Аттика, тажриба тариқасида сиз ўз бойлигингизни одамларга тақсимлаб берармидингиз?

АТТИКА. Нега энди тақсимлар эканман! Ҳокимиятни, бойликни, муҳаббатни тақсимлаш — девоналик. Мен эса девона эмасман. Айтгандай, оролчага ташриф буюришим муносабати билан тоғам томонидан бугун кечқурун зиёфат берилади. Шунга сизларни лутфан таклиф этаман. Албатта, боринглар.

СОНГМИ (Хиросимага таклифнома бериб). Зиёфат космос услубидаги катта шийпонда бўлади.

АТТИКА (Сонгмига). Қани кетдик!

Аттика ва Сонгми чиқадилар.

НАГАСАКИ. Борамизми?

ХИРОСИМА. Гапларини эшитдинг-ку. Тағин исми Аттика эмиш.

НАГАСАКИ. Ҳа, қалби исмига зид экан.

ХИРОСИМА. Ўйламай-нетмай исм қўяверишаркан-да.

НАГАСАКИ. Гўдакка ҳар қандай муқаддас исм ҳам муносиб. Катта бўлгач... Гап исмда эмас. Исм эгасида. Исм қўйганлар тарбиясида. Ўсган муҳитида! Оддий исмни муқаддас қиладиган ҳам, муқаддас исмни ҳаром этадиган ҳам инсон, унинг қилмиши.

ХИРОСИМА. Қилмишларига қараб одамларга қайта исм қўйса бўлмасмикин?

НАГАСАКИ. Жонгинам, яхши исм ҳам ёмон одамга бир ниқоб. Яхши одамга эса ҳуснидир.

Бир томондан Заксенхаузен, иккинчи томондан Матхенхаузен кирадилар, бир-бирига кўзи тушгач, қўрқ-қанича орқаларига қочадилар. Буларни кўриб қолиб, Хиросима даҳшатга тушганича эрининг бағрига ўзини ташлайди.

ХИРОСИМА. Войдод!! Бу ердан мени олиб кет.

Чироқ ўчади.

АДАБИЙ МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

МАВЛОНО ЛУТФИЙ — ТАДҚИҚОТЛАРДА

XIV—XV аср ўзбек адабиёти Шарқ халқлари адабиётида яратилган бой адабий анъаналар асосида ривожланди. Форс тили билан бирга ўзбек тилида ҳам жуда гўзал асарлар вужудга келди. Бу даврда кўпчилик ўзбек шоирлари ҳар икки тилда баб-баравар муваффақиятли ижод этдилар ва уларнинг бу асарлари юксак равишда баҳоланди. Жумладан, Мавлоно Лутфийнинг фақат ўзбек тилидаги ижодигина эмас, балки форсий тилдаги асарлари ҳам шеърият аҳли эътиборини қозонди. Бу жиҳатдан Алишер Навоийнинг Лутфий ижодига берган баҳоси қимматлидир. А. Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида шундай ёзган эди: «Мавлоно Лутфий — ўз замонининг маликул-каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир... Лекин форсийда қасидагўй устодлардин кўпининг мушкул шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур. Тўқсон тўққуз яшади ва охир умрида радифи «Офтоб» шеъри айттиким, замон шуароси барча татаббуъ қилдилар, ҳеч қайсиси матлаъни онча айта олмадилар...» Навоий ўзининг бошқа асарларида ҳам Лутфийнинг форсий меросига доир баъзи қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Афсуски, Лутфий форсий тилидаги шеърий асарларини жамлаб «Девон» тартиб берган ёки бермаганлиги ҳақида ҳозирча аниқ бир маълумотга эга эмасмиз. Лекин бизгача Лутфийнинг форс-тожик тилида ёзган лирик асарларидан айрим парчалар, байтлар, тўртликларгина етиб келганлиги маълум.

XV—XVI асрларда адабий тўпламларнинг алоҳида тури пайдо бўлиб, улар «Радойиф ул-ашъор» деб номланди. Бундай мажмуаларнинг дастлабки намуналарини ўша давр шоирларидан Сайфий Бухорий ва Фахрий Ҳиротийлар тузганлар. Бу тўпламларга кирган асарларнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади: буюк шоирларнинг маҳорат билан ёзилган шеърларига жавоб ёзиш, яъни «Радойиф ул-ашъор»лардан бири XVI асрда яшаб ижод этган машҳур адабиётшунос олим ва шоир, таржимон Фахрий Ҳиротийнинг мажмуасидир.

Бу асарнинг жуда ноёб нусхаларидан бири ҳозир Қўлёзмалар институти фондида 4048-инвентарь рақами остида сақланмоқда. Бу асар билан дастлаб танишган профессор А. Ҳайитметов мазкур тазкира ва унда келтирилган шоирлар, жумладан Лутфий форсий ғазалининг муҳим илмий аҳамиятини алоҳида уқтирди. «Радойиф ул-ашъор» тазкираси 1815 йилда кўчирилган бўлиб, бу нодир қўлёзма таркибига 200 га яқин шоирларнинг форсий ғазалларидан намуналар жамланган. Жумладан, улар орасида XIV аср иккинчи ярми ва XVI аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек шоирларидан Мавлоно Лутфий, Юсуф Амирий, Яқиний, Убайдий, Ҳусайний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Муҳаммад Комрон Мирзо кабиларнинг ғазаллари ҳам учрайди. Бу ерда бизнинг эътиборимизни ўзига тортган нарса тазкиранинг 374 б саҳифасидан ўрин олган Лутфийнинг беш байтдан иборат ягона форсий ғазалидир. Айни пайтда котиб бу ғазал Лутфий ижодидан эканлигини аниқ кўрсатиш ниятида сарлавҳада «Мавлоно Лутфий рост» (Мавлоно Лутфийникидир) деб ҳам алоҳида қайд этган.

Тазкиранинг 373 б—375 б саҳифасида берилган Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Муҳаммад Комрон Мирзо, Мир Шоҳ Ҳусайн, Мавлоно Фахрийларнинг бир-бирига қофиядош ғазаллари Хисрав Деҳлавий ғазалига татаббуъ тариқасида ижод этилган. Бу ғазалларнинг мавзуи бир-бирига жуда яқин ва улар маъшуқага интизорлик изтиробларининг ифодасидан иборатдир. Лекин шоирлар ҳар бирининг ички кечинмаси ўзига хос услубда ифода этилганлиги билан ажралиб туради.

Лутфий Хисрав Деҳлавий ғазалининг мавзуи, услуби, шеърий ўлчови, қофияси, шеърий санъатлари, поэтик ғоясини сақлаб қолиш билан бир қаторда анъанавий образни янгича талқин этган, маъносини бойитишга интилган ва буларга мавзуан даражада эришган. Ҳофиз, Жомий, Комрон Мирзо, Мир Шоҳ Ҳусайн, Мавлоно Фахрийларнинг ғазалларида ҳам ана шу юқоридаги мисраларга ҳамоҳанг мазмун ўз аксини топган.

Лутфий қофияга татаббуъ қилган ҳолда ўзининг ўтмишдошларига нисбатан бутунлай оригинал ғазал яратиб, қофияга янги мазмун, ранг ва жило бағишлаган ва замонасидаги шоирларга нисбатан ўзининг оригинал фикрини ифода этган. Бу ҳол Лутфийнинг форсий тилдаги ижодининг юқори баҳоланган, шоирнинг бу мусобақаси форс—тожик адабиётида Хисрав Деҳлавийдан бошлаб ўтган шоирлар билан беллашишга қодир эканлиги ва бунинг уддасидан чиқа олганлигини Навоий қайд этган хулосаларга далил ҳамдир.

Лутфийнинг мазкур ғазали ҳам унинг ўзбек тилидаги ғазаллари каби юксак маҳорат билан ижод этилган. Шоир бу ғазалда дунёвий севгини куйлар экан, ғоят чиройли ўхшатишлар воситасида маъшуқанинг чиройли назокати ва ширинсўзлигини ибрат қилиб кўрсатади. Маъшуқанинг ташриф буюриши хабари ошиққа хурсандчилик бахш этади. Шоир ғазалда инсоний севгини, аёлларга хос гўзал хулқ, назокат ва ширинсўзликни улуғлайди.

Лутфийнинг бу форсий ғазалини Олимжон Бўриев таржимасида шеърият мухлисларига ҳавола қиламиз:

**Эй, ҳалойиқ кўнглин овлаб қоматн барноларинг,
Кел, ярашгай сенга то раъною ҳам зеболаринг.**

**Ишқдин рухсорайи гулгунни сомон айлама,
Тўғри келмайдур бу иш сарғайса гар раъноларинг.**

**Тўти лаълн лабларингдин не ажаб ўргансаким,
Ҳам гўзал сўз айтмагу ҳам расмн шакархоларинг.**

**Ташрифидин ўзгадур жон шавқи, билсанг, ушбу кун,
Олдидан келгай кимнинг қосидн хушроларинг.**

**Лутфий, аҳволингнн бундоқ кўрдиму энди сани,
Қўрқаман чиқгай бу ишда охирн расволарииг.**

Э. АҲМАДХЎЖАЕВ,
филология фанлари кандидати.

ОҚ КАПТАРЛАР

Ҳу, юксакда оппоқ аланга,
Оппоқ нурлар сайлимикин?
Интилади юксак-баландга,
Узоқлашиб секин ва секин.
Оқ булутлар елкаси оша
Эшитилар майин овози.
Тунда учган юлдузга ўхшар
Оқ каптарлар оппоқ парвози!
Баҳор тонги. Тубсизки осмон,

Ҳушбўй гуллар айтишади роз.
Улар билан ҳамоҳанг бу он
Оқ тонгдаги бу оппоқ парвоз.

Оппоқ парқу—оқ ҳарир гўё,
Оппоқ олча гулидир ҳар ён.
Тутганича бир қучоқ зиё,
Оппоқ нурга тўладир осмон.
Мовий кўкда бир тутам шуъла,

Табиатнинг чиройи, сози.
Кенг оламга айтар ашула—
Оқ каптарлар оппоқ парвози.
Кўзинг яшнар, дил кетар тўлиб,

Ошиқона чўзасан қўлинг.
Пичирлайсан дегандай бўлиб:
— Бир дамгина мафтимга қўнинг!

Улар эса осмон мафтуни,
Уларнинг бепоён пучмоқ.
Шундай эркин учсин ҳар куни,

Гар мақсад ҳам учмоқ ва учмоқ!

Кўз илғамас олис уфқлар—
Табиатнинг оппоқ қоғози.
Коинотда оппоқ қўшиқлар—
Оқ каптарлар оппоқ парвози.
Олам, ҳаво бўлса мусаффо,
Бу ҳаётдан ҳар кўнгил розн.
Парвоз бўлсин кўкда доимо.
Оқ каптарлар оппоқ парвози.
Учаяпти, қитъалар кўрсин:
Оқ дилларнинг омонлик рамзи.

Осмонларни тўлдириб турсин
Оқ каптарлар оппоқ парвози!
Эркин қанот қоқишларини
Кўзлар яйраб кузатайлик биз.

Учинг, учинг, чарх уринг дея,
қўлимизни узатайлик биз!

ТЎЛҚИН.



● ҲИНДИСТОН ва Ўзбекистон санъаткорлари ўртасидаги ижодий алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Суратда: М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли солистқаси Гули Ҳамроева (чапда)нинг ҳиндча рақс ўрганишида Манжа Кохли ва Руна Рой (Ҳиндистон) яқиндан ёрдам беришмоқда.

А. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

«ТЕАТР—БОЛАЛАРГА»

Пойтахтимиздаги барча театр коллективлари ёш дўстларини ўз спектакларига таклиф қилмоқда. Бу санъат масканларида «Театр — болаларга» деб номланган Бутуниттифоқ ҳафталиги зўр муваффақият билан давом этмоқда.

Ўзбекистон Театр жамияти, республика Маданият ва Маориф министрликлари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳамкорликда ўтказаётган саҳна асарлари кўригида фарзандларимизга атаб ёзилган энг яхши спектакллар намойиш қилинмоқда.

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри коллективи «Тарихга бир назар» махсус программасини тайёрлаган. Унда етук санъаткорлар, дастлабки саҳна асарлари ҳақида ҳикоя қилинади. «Ёш гвардия», «Ёш томошабинлар театри»да мактаб ўқувчилари қизиқарли конференцияларда иштирок этадилар.

Бу кўрикда ўқувчилар фақат томошабин эмас, ижрочи сифатида ҳам қатнашадилар.

А. КЕЛДИЕВА.

ТОШКЕНТ—ХАСКОВО

КУЙЛАРДА, ҚУШИҚЛАРДА ДЎСТЛИК

БОЛГАРИЯ Халқ Республикаси Хасково округининг бадиий ҳаваскорлик коллективи ва «Ринг» вокаль-эстрада группаси завод маданият саройи ёки колхоз саҳнасида, ўқув юрти ёки «Чимён» дам олиш зонасида ўз санъатларини намойиш қилишганда уларнинг концертлари зўр муваффақият билан ўтди. Ҳамма жойда болгар санъаткорларининг томошабинлар билан учрашувлари тошкентликлар ва хасковоликлар дўстлигининг ёрқин тантанасига айланди.

Болгар санъаткорлари областимиз шаҳарлари ва районларида бўлганларида кунига бир неча марталаб концертлар қўйдилар. Шунга қарамай улар цехларда, корхоналарнинг қизил бурчаклари, музейлари, спорт комплексларида ҳам бўлишга вақт топдилар. Бу учрашувлар пайтида улар ўзбекистонлик дўстларининг қаётларини яхшироқ ўрганишга, сўнг бу ҳақда юртдошларига батафсил ҳикоя қилиб бериш учун кўпроқ нарсани кўришга интилдилар.

Меҳмонлар «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ кон-металлургия, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар, Тошкент тўқимачилик комбинатларида, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида, пойтахтдаги 9-ўрта мактабда, Чирчиқдаги 13-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртида бўлдилар.

Хасковолик санъаткорлар область касаба союзлари Советининг раиси А. В. Брайлов томонидан қабул қилинди. Бугун улар ватанларига жўнаб кетадилар.

ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ҚЎЛЛАРИ ЕНГИЛ, СЎЗЛАРИ ШИРИН

...Консилиумдан сўнг йиғилиш бир соатдан кўпроқ давом этди. Ҳар бир шифокор бемор ҳақида ўз фикрини баён этар, янги таклифлар туғиларди. Бош врач Илёс Эргашев учун барчанинг фикри жуда муҳим. Кўп йиллик тажрибасидан шуни биладики, ҳеч қачон умидсизликка тушиш керак эмас.

...Касаллик, тарихи яна бир бор ўқиб чиқилди. Бемор буйрак ҳасталигига дучор бўлган. Илгари буйракдаги тош олиб ташланган. Бир неча йилдан сўнг иккинчи буйрак ҳам жароҳатланди. Аҳволи оғирлашгач касалхонага ётқизилди.

Ҳамма бир фикрга келди ТошМИга профессор Акрамовга мурожаат қилиш керак. Охирги умид ўзга буйракни кўчириб ўтказишда эди.

Операция муваффақиятли ўтди, Муҳаббат реанимация бўлимида кўзини очди. Шу заҳоти нажоткорларини излади. Сўнгра фарзандлари ёдига тушди. Беихтиёр кўзлари намланди. Озода, шинам, ёруғ палата деразасидан шифохона ҳовлисига назар ташлади. Ҳаммаёқ кўмкўк. Олам қайтадан яшаргандай.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг медицина-санитария қисмида ҳар бир бемор ҳақида ана шундай ғамхўрликни кўриш мумкин. Шифохонадан саломатлигини тиклаб оиласи бағрига қайтаётган, севимли коллективида меҳнат фаолиятини давом эттираётган кўплаб кишилар ўзларига кўрсатилаётган меҳрибонлик учун чексиз миннатдордирлар.

Биз дид билан жиҳозланган, кўркам хонада бош врач билан суҳбатлашяпмиз:

— Врачларимизнинг аксарияти ўз касбига садоқати, чуқур эътиқоди билан ажралиб туради. Ҳар қандай муолажанинг самараси аввало ҳудди шунинг ўзида деб биламан. Шифохонамизга келсак ҳозир у республикамизнинг йирик даволаш муассасаси ҳисобланади. Бу ерда турли ихтисосликлар бўйича малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мумкин. Биз иш бошлаган дастлабки йилларда, пастқамгина бинода 20 чоғлик врач авиасозларга хизмат кўрсатарди. Бугунги кунда эса 900 ўринли даволаш марказида — терапия, хирургия, урология, неврология, болалар касалликлари, туғруқхона каби жами 20 та бўлим мавжуд.

Биз шифохона даволаш бўлимларини кўздан кечирамиз. Кордиология бўлимида махсус замонавий аппаратлар ўрнатилган. Улар юрак ажратилган. Педиатрлар даволашнинг энг замонавий усулларини қўллаяптилар. Бу ерда чала туғилган ва ривожланишдан орқада қолган чақалоқларни парваришлаш учун ҳам махсус бўлим очилган.

Кўпинча аёллар оила, рўзғор ташвишлари, фарзанд тарбияси билан бўлиб ўзларини унутиб қўядилар. Вақти-вақти билан безовта қиладиган бош оғриғи, ошқозончак касалликларига парво қилмайдилар. Дард зўрайиб, сурункали тус олгандагина врачга мурожаат қилишади. Афсуски, унда даволаш ишлари анча чўзилиб кетади, шифокордан ҳам, бемордан ҳам кўп машаққат талаб қилади. Шунинг учун авиасозлар шифохонасида фарзандлари билан касалхонага тушиб қолган оналарнинг ўзи ҳам медицина кўригидан ўтказилиб, соғлиқларини тиклаб қайтадилар.

— Оталиқ корхона билан жуда яқин алоқадамиз,— дейди бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Г. Черная,— бизни хирургия бўлимига бошлар экан.

— Замонавий медицина аппаратларини мунтазам, қийинчиликсиз оламиз. Шу билан бирга бирлашманинг рационализаторлари бизга такомиллашган тиббий асбоб-ускуналар ясаб беришяпти. Мисол учун, Елизаров аппаратларини олайлик. Маълумки улар синган суякларни даволашда ишлатилади. Завод инженер-техник ходимлари бизнинг хирурглар билан ҳамкорликда бу аппаратларнинг анча қулайларини ўйлаб топдилар. Бу бизнинг ишимизда жуда қўл келяпти. Яқинда шифохонада ўзига хос кўргазма ташкил этилди. Унда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган медицина асбоб-ускуналари жой олди. Кўргазмага келган меҳмонлар, врачлар билан ишчиларнинг ҳамкорлиги қандай яхши самаралар бераётганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Коллектив эришаётган ютуқларда медицина-санитария қисмининг бошлиғи Илёс Эргашевнинг катта ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Инсонга саломатлик бахш этишдек шарафли вазифага бир умр хизмат қилиб келаётган бу шифокор республикамизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдаги хизматлари учун «СССР халқ врачи» фахрли унвонини олган. Шифохонадан дардига даво топиб кетаётганлар шунингдек, педиатр Н. Назарова, кўз врачи К. Муродова, терапевтлар — Л. Хнигина, Н. Иноғомова, Я. Муродова, гениколог Т. Чурсина, ҳамширалар Б. Набиева, Д. Имомовалар-нинг номини ҳам мамнунлик билан тилга оладилар.

Биз бу ерда бўлган кун бир қувончли хабар бир зумда тарқалди: Наталья Руденко бир йўла уч фарзандининг онаси бўлибди. Она ва болаларининг саломатлиги яхши.

Дард чекинаверсин. Хуш кайфият, бардамлик ва сифат-саломатлик ҳеч кимни тарк этмасин! Биз ҳикоя қилган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси шифохонаси фидокор шифокорларининг эзгу тилаги ҳам шундай.

А. НОСИРОВА.

Реклама ва эълонлар

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш базасидаги 214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—1984 ўқув йили учун

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: токарь-универсал (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг операторн), **саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарь, электр пайвандчи, механика йиғув ишлари слесари, фрезерчи, электр-монтажчи, машинада қолиплаш бўйича қолипловчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи.**

ҲАММА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини тугатгандан сўнг олган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, ўртача бали 4 ва 5 бўлса, битирувчилар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига кирганлар ҳам билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат оладилар.

Ҳар ойда ўқувчиларга 76 сўмдан стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процентн ўқувчиларга тўланади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида доимо спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли ва халқ чолғу асбобларн ансамбли ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15—25 ЁШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см ҳажмидаги 6 дона сурат. Таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келиб билим юртига кириб ўқийдиганлар турар жойларидан пропискадан ўчишлари лозим, улар билим юрти ётоқхонасига прописка қилинадилар, шунингдек комсомол учётидан ўчишлари, ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси ҳужжатини, ВЛКСМ аъзолигининг учёт карточкасини, комсомол билетини олиб келишлари шарт.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 24, 44, 112, 115-автобусларнинг «Ғалаба» боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«НОНВОЙЛАРНИ КИМ ТАРТИБГА ЧАҚИРАДИ»

Газетанинг шу йил 6 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Тошкент шаҳридаги айрим нон ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатига эътибор берилмаётганлиги ҳамда шахсий нонвойларнинг мўмай даромад орттириш йўлидаги ҳатти-ҳаракатлари ҳақида танқидий фикрлар билдирилган эди. Шу мақола юзасидан редакциямиз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи Н. Аҳмедовдан жавоб хати олди. Хатда таъкидланишича, мақолада кўрсатилган камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ўринли деб топилди ва уларни тугатиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди.

Ишлаб чиқарилаётган нон сифатини яхшилаш, унинг хилларини кўпайтиришга оид бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг генерал Петров, Адабиёт институти, генерал Узоқов кўчасида жойлашган 23 та тандир цехи иши яхшиланди. Қўшимча равишда Октябрь бозори ва Пахтакор маҳалласида катта ҳажмда тандир цехлари қурилиши кўзда тутилмоқда. Шу билан бир қаторда ҳар куни умумий овқатланиш шохобчаларида 17 тоннагача миқдорда оби-нонлар ўпиш юзасидан чоралар белгиланди.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши шахсий нонвойларнинг нон бозорларида ортиқча баҳода нон сотишларига чек қўяди.

Савдо Бош бошқармаси мақола муаллифининг шахсий нонвойларни медицина кўригидан ўтказиб туриш ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлайди.

СПОРТ

ЁШЛАР МАҲОРАТИ ОШМОҚДА

Фигурали учиш бўйича «Олимпиада умидлари» деб номланган саралаш мусобақаларида Тошкентдаги болалар ва ўсмирлар республика спорт мактаби ўқувчилари — Андрей Сулаймонов ва Ирина Шишовалар биринчи ўринни қўлга киритишди.

Бу қувончли хабар қишки ва ёзги спорт турлари бўйича «Олимпия резервлари» махсус группаларн тайёрлаш республика марказида ёш спортчиларнинг маҳоратини янада оширишга эътибор кучайтирилганидан дарак беради. Ҳозир бу ерда 400 нафар ёш йигит-қиз билан турли ўқув машқлари олиб бориляпти.

— Биз дастлабки кунларданоқ ҳар бир ўқувчининг қандай машқларга лаёқатли эканлигини аниқлаб, — дейди мактаб директори Г. Д. Жоржоладзе, — ана шу асосда унинг қобилиятини тинимсиз ўстиришга ҳаракат қиляпмиз. Машқлар фигурали учиш ва бадиий гимнастика группаларига ажратилган ҳолда давом эттирилмоқда.

Спорт мактабининг Валерий Тюков, Владимир Цой, Евгений Рохин, Алексей Голубков каби тажрибали тренерлари ёш спортчиларга маҳорат сирларини ўргатиш йўлида жон куйдириб меҳнат қилмоқдалар.

А. ХЎЖАМОВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ШАХМАТ. Жаҳон чемпионлигига даъвогарларнинг Лондонда ўтаётган ярим финал баҳслари тобора кескин тус олмоқда. Каспаров ва Корчной ўртасидаги кечиктирилган тўртинчи партияни томонлар давом эттиришмади. Улар дурангга рози бўлдилар. Бу баҳсда 2,5:1,5 ҳисобида Корчной олдинда бораётир. Смислов—Рибли ўртасидаги тўртинчи партия ҳам дуранг натижа билан тугади. Ҳисоб 2:2.

● БАСКЕТБОЛ. Тошкентнинг «Университет» командаси шу кунларда Тбилиси шаҳрида ўтказилаётган эркаклар олий лига командаларининг мамлакат чемпионатида иштирок этаётир. Бу ерга медаллар учун даъвогар бўлган олти кучли команда йиғилган. Ҳамшаҳарларимиз финал баҳсларни муваффақиятсиз бошладилар. Улар дастлаб ЦСКАга 122:72, сўнгра эса Киев армиячиларига 103:90 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ҚОРАЛАМОҚДА

ЖАҲОН Тинчлик Кенгашининг даъватига биноан Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси халқлари билан бирдамлик юзасидан ўтказилган ҳафталик давомида жаҳон жамоатчилиги Рейган маъмуриятининг Никарагуага бевосита бостириб киришга ва региондаги миллий озодлик ҳаракатларини бўғиб ташлашга тайёргарлик кўришдан кборат жиноий режаларини ғазаб билан қоралади.

● ВАШИНГТОН. Рейган маъмуриятининг агрессив сиёсати айби билан ҳозир Марказий Америкада вужудга келган ҳаддан ташқари таҳликали аҳвол АҚШ халқини ташвишга солмай қўя олмайди, деди Американинг таниқли сиёсий арбоби, Ғарбий ярим шар ишлари кенгаши ташкилотининг раҳбарларидан бири Б. Сейвидофф. Оқ уйнинг хатарли ҳарбий стратегияси америкаликларни жуда ташвишга солмоқда, деб таъкидлади у.

● БОГОТА. Америка маъмурияти ўзининг халқаро муносабатларини зўравонлик сиёсати асосига қураётганлиги тинчликка, демократияга ва халқлар озодлигига қарши қаратилган, дейилади Колумбия журналистлари миллий коллегиясининг бу ерда тарқатилган баёнотида. Гренадага қарши агрессия ва Никарагуага бостириб киришга кўрилаётган тайёргарлик — АҚШ империализмининг Лотин Америкасидаги суверен давлатларга қарши жиноятлари узун занжиридаги янги ҳалқалардир.

● САН-ФРАНЦИСКО. Калифорния штатининг Беркли шаҳрида нашр этиладиган «Грассрутс» газетаси Рейган маъмуриятининг Марказий Америкадаги босқинчилик ниятларини фош қилди. АҚШнинг ҳар томонлама мададига қарамай, диктаторлик режимлари Марказий Америка халқларининг миллий озодлик кураши кучайишини тўхтатишга қодир эмаслар, деб ёзади газета.

● ПАРИЖ. Вашингтон Никарагуага қуролли ҳужум қилишга тайёргарлик ишларини жадаллаштирмоқда, деб ёзади Франциядя чиқадиган «Монд» газетаси. Вашингтон қўллаб-қувтиқлаб келаётган ва ҳамма зарур нарсалар билан таъминлаётган контрреволюцион сотқинларнинг ғаламислиги ва қуролли хуружлари кейинги уч ҳафтада Никарагуанинг чегара районларида айниқса тез-тез такрорланмоқда. Қўшма Штатлар қўшини Гондурасда қудратли ҳарбий кучларни жойлаштириб қўймоқда, самолётлар қўнадиган ва учадиган янги жойларни зудлик билан қурмоқда, Тинч океан соҳилидаги Пузрто-Кастилья районида ўта замонавий ҳарбий-денгиз базасини барпо этмоқда.

Никарагуа чегараларига бевосита яқин районларда АҚШ билан Гондурас қўшинларининг катта ҳарбий машқлари ўтказилмоқда. Энди «Чегара можароси» чиқарилса бас, шу заҳотиёқ жамики ҳарбий кучлар Никарагуа территориясига бостириб кираверади.

● БРАЗИЛИЯ. Бразилиянинг атоқли архитектори, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Оскар Нимиер Бразилияда меъморчилик ва ҳайкалтарошликнинг ривожланишига бағишланган виставканинг очилишида қатнашиш учун АҚШга боришдан бош тортди. О. Нимиер маҳаллий матбуотда эълон қилинган очиқ хатида Рейган маъмурияти бутун дунёда мғвогарлик, зўравонлик ва дўқ-пўписа иқлимини ўрнатаётганлигига қарши норозилик белгиси сифатида шундай қилганини айтди. (ТАСС).

НИЗО КЕСКИНЛАШИБ БОРМОҚДА

ЛОНДОН. (ТАСС). Инглиз матбуотчилари билан маъмурлари ўртасида бу ерда бошланган меҳнат низоси тобора ўткир тус олмоқда. Икки кундан буён мамлакатда газеталар чиқмаяпти. Маъмурларнинг зўравонлигига, тред-юнионлар ҳуқуқларини камситувчи касаба союзларга қарши реакцион қонунларни амалда қўлланиш йўлидаги уринишларига қарши норозилик юзасидан матбуотчиларнинг забастовкаси бутун Англияда давом этмоқда.

ҲАРБИЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИГА ҚАРШИ

ТОКИО. (ТАСС). Хоккайдо оролининг маъмурий маркази — Саппоро шаҳрида «Либерал-демократлар ҳукуматининг Япония аҳолиси кенг қатламлари иқтисодий аҳволининг янада ёмонлашувига олиб келувчи ҳарбийлаштириш йўлига қарши норозилик билдирамиз!» деган шиор остида оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишда тараққийпарвар сиёсий партияларнинг, касаба союз бирлашмаларининг, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотларининг намояндалари иштирок этдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БАЙРУТ. Ливан ватанпарварлари Жанубий Ливандаги Тир шаҳри яқинида Исроил қўшинларининг позицияларига ҳужум қилдилар. Бекаа водийсининг ғарбий қисмидаги Айтнит қишлоғида партизанлар қўйган минадан Исроилнинг «Меркава» танки портлаган. Ана шу операциялар натижасида Исроил босқинчилари аскарлари ва анча техникасидан ажралган.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати Тарапурда Америка фирмаларининг иштироки билан қурилаётган атом электр станцияси биринчи блокининг ишини тўхтатди. Ҳукумат радиоактив материалларнинг оқиб чиқиши сабабли ишни тўхтатишга мажбур бўлди.

● ТОКИО. Японияда чиқадиган «Майнити» буржуа газетаси Токионинг Вашингтон олдидаги ҳарбий мажбуриятларини шарҳлаб, бу мажбуриятлар Япония хавфсизлиги учун жиддий хавф туғдиради, шунингдек Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида ва Хитойда ташвишни вужудга келтиради, деб уқтиради.

● АДДИС-АБЕБА. Бу ерда Эфиопия меҳнаткашлар партияси ташкилоти комиссияси ижроия комитетининг аъзоси, миллий мудофаа министри Тесфайе Гебре-Кидан бундай деди: Эфиопиянинг қуролли кучлари мамлакатнинг территориал бутунлигини ҳимоя қилишга, унинг тинч ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга қатъий аҳд қилганлар.

Ватан мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, — деб таъкидлади министр, ҳар бир гражданнинг бурчидир. Шу муносабат билан Эфиопияда умумий ҳарбий мажбуриятни жорий этиш ва территориал халқ милициясини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори катта аҳамият касб этади, деб уқтирди у.

(ТАСС).



● ЧИЛИДА ҳарбий-фашист режими жабру-зулмларига қарши оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Ҳукумат намойишчиларга қарши ҳарбий кучдан фойдаланди. Намойишчилар ўртасида оммавий қамоққа олишлар ўтказилди. Суратда: Сантьягода бўлиб ўтган намойиш қатнашчиларини қамоққа олиш пайти.

АП—ТАСС телефотоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область комитети ва халқ депутатлари Тошкент область Советининг органи

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р—02323. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1725.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МУАССАСАЛАР ВА КОРХОНАЛАР

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ СТАНЦИЯНИНГ БОШ БОШҚАРМАСИ

Т. ШЕВЧЕНКО КЎЧАСИДАГИ 17-УЙИДА ЖОЙЛАШГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ. ПОЧТА ИНДЕКСИ 700015.

Телефондан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб масалалари бўйича абонентлар қуйидаги адресда қабул қилинади: Т. Шевченко кўчаси, 17-уй, 1-қават. Иш кунлари — ҳафтанинг 1, 2, 4, 5 ва 6-кунлари (тушлик учун танаффуссиз);

ҲИСОБ-КИТОБ ГРУППАСИНИНГ ИШИ СОАТ 8.00 ДА БОШЛАНАДИ;

иш вақти соат 19.00 да тугайди;

шанба куни соат 9.00 дан 16.00 гача ишлайди.

Чоршанба—абонентлар қабул қилинмайдиган кун.

ҲИСОБ-КИТОБ ГРУППАСИНИНГ ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА КЕЛТИРИЛАДИ:

АТС номери	оператор телефонининг номери
АТС — 62	39-06-62
— 64	39-06-64
90 ва 66	39-06-90
91 ва 66	39-06-91
96 ва 66	39-06-96
Бригадир — АТС — 53	39-06-66
— 58	39-06-53
— 74	39-06-58
— 76	39-06-74
— 77	39-06-76
— 78	39-06-77
Бригадир — АТС — 41 ва 44	39-06-78
— 42	39-06-70
— 46	39-06-41
—48	39-06-42
— 29	39-06-46
Бригадир — АТС — 24	39-06-48
32 ва 33	39-06-29
— 35	39-06-44
56 ва 39	39-06-24
— 55	39-06-33
Бригадир —	39-06-35
	39-06-56
	39-06-55
	39-06-39

Шаҳар телефон тармоғи хизматидан фойдаланаётган абонентларга эслатиб ўтамиз: қарзингизни шу йилнинг охиригача узишни унутманг.

ТЕЛЕФОН УЧУН АБОНЕНТ ҲАҚИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН КАССА ҲАФТАНИНГ 1, 2, 4 ва 5-КУНЛАРИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/XI да **Наврўз.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/XI да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/XI да **Тошкентнинг нозанин малнкаси** (15.00). **Тошболта ошиқ** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ». «СУВ ЖОЗИБАСИ» аттракциони (19.30).

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ **ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИДА**

10 декабргача

«МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАСИ» деган мавзуда

КЎРГАЗМА ЎТКАЗАДИ

Кўргазма ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) **соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.**